

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**13-сон**  
**(981)**  
**2021 йил**  
**апрель**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

139. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ–679-сон Қонуни
140. «Дехқон хўжалиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ–680-сон Қонуни
141. «Томорқа хўжалиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ–681-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

142. «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ–6198-сон Фармони
143. «Республика аэропортларини бошқариш соҳасида давлат-хусусий шерик-

- ликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартдаги ПҚ–5042-сон қарори
144. «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ–5047-сон қарори
145. ««Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5048-сон қарори
146. «Андижон вилояти Асака туманини ободонлаштириш ва архитектура қиёфасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5049-сон қарори
147. «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5050-сон қарори
148. «Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ–5052-сон қарори
149. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ–5053-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

150. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги 4-мх-сон «Патент вакиллигига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакилларини аттестациядан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3203-1*)
151. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 31 мартдаги 7-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3292*)

152. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги 8-мх-сон «Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3293*)
153. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 1 апрелдаги 10-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-6*)
154. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 1 апрелдаги 9-мх-сон «Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-1*)
155. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 24 мартдаги 14-2021-Б-сон «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 831-3*)
156. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 4 мартдаги 11-2021-Б-сон «Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилиниб, огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияга алмаштирилганда ходимларга моддий мадад бериш тартиби ҳақидаги тушунтиришга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 720-1*)
157. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 10 мартдаги 28/21-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3294*)
158. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 10 мартдаги 28/20-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўли-

ши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-7*)

159. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 10 мартдаги 28/18-сон «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1470-4*)

160. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 10 мартдаги 28/19-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1850-3*)

161. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 10 мартдаги 28/17-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 1 мартдаги 2021-08-сон «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1986-4*)

162. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 4 мартдаги 14-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги 3-2021-сон «Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2136-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**139** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 4 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310,

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 мартда эълон қилинган.

312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **201<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«201<sup>1</sup>-модда. Қонунчилик ҳужжатларини бажармасликка ёки бузишга омма олдида даъват қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари талабларини жамоат тартибига ва жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган тарзда бажармасликка ёки бузишга, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда омма олдида даъват қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг олтимиш бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «201» рақамидан кейин «201<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда,

№ 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар) куйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **158-моддаси учинчи қисми** «воситаларидан» деган сўздан кейин «телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **244-модда:**

қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш —

базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш микдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**биринчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Ахборотлаштириш тўғрисида**»ги 560–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-моддаси учинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ахборот ресурси** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, шу жумладан ахборот тизимларида очиқ шаклда жойлаштирилаётган ёхуд эълон қилинадиган аудио-, видео-, график ва матнли ахборот»;

2) **12<sup>1</sup>-моддаси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«12<sup>1</sup>-модда. Ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш**

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказиладиган йиғилишлар, митингларда, кўча юришларида ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатиш;

жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни тарқатиш;

гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни, зўравонликни ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, шунингдек ўз жонига қасд қилишга даъват этиш;

фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер:

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ёхуд бошқа ахборот ресурсига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилгунига қадар унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, уни дарҳол ўчириб ташлаши;

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайти ва (ёки) веб-сайт



саҳифалари ёхуд бошқа ахборот ресурсининг, шу жумладан тезкор хабарлар алмашиш тизимларининг мониторингини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот ва материалларни аниқлаш мақсадида амалга ошириши;

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот аниқланган тақдирда, дарҳол мазкур ахборотни ўчириб ташлаш чораларини кўриши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаган тақдирда, мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган талабларни бузганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талаблар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаганлиги натижасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахслар ўз ҳуқуқларини, шаъни, кадр-қимматини ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун, шу жумладан зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги даъволар билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 30 март,  
ЎРҚ-679-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**140** Деҳқон хўжалиги тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 13 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик**

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Деҳқон хўжалиги**

Деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини боғдорчилик ва узумчиликка ёки сабзавот ва полиз экинларини ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга ихтисослашиш асосида амалга оширади.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**4-модда. Деҳқон хўжалиги бошлиғи**

Ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли бўлган, ўзига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи деҳқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан деҳқон хўжалигининг манфаатларини юридик

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 апрелда эълон қилинган.

ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда ифодалайди ва деҳқон хўжалиги номидан шартномалар тузади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ёки узок вақт йўқ бўлган (ҳарбий хизматга чақирилиш, кундузги ўқув шаклида таълим олиш учун олий таълим ташкилотига ўқишга кириш, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланиш ва бошқалар) тақдирда, у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини ушбу хўжаликнинг аъзоларидан бирига беришга ҳақлидир.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, деҳқон хўжалиги аъзолари ўртасидаги ўзаро келишув бўйича деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи белгиланади. Бунда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мерос бўйича деҳқон хўжалигининг янги бошлиғига ўтади, деҳқон хўжалигини юритиш учун ижарага (иккиламчи ижарага) берилган ер участкаларига нисбатан эса ижара (иккиламчи ижара) шартномасига тегишли ўзгартишлар киритилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини тўлиқ йўқотганда, шунингдек ҳарбий хизматга чақирилган, кундузги ўқув шаклида таълим олиш учун олий таълим ташкилотига ўқишга кирган, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган тақдирда, деҳқон хўжалиги бошлигининг таклифи ва деҳқон хўжалиги аъзолари ўртасидаги ўзаро келишув бўйича деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи белгиланиши мумкин, унга ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ўтади, деҳқон хўжалигини юритиш учун ижарага (иккиламчи ижарага) берилган ер участкаларига нисбатан эса ижара (иккиламчи ижара) шартномасига деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи тўғрисидаги тегишли ўзгартишлар киритилади.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда деҳқон хўжалиги аъзолари йиғилишининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Деҳқон хўжалиги аъзолари ўртасида деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи ҳақида ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибда ҳал қилинади.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ер участкасини ижарага (иккиламчи ижарага) олиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган тартибда деҳқон хўжалигининг янги бошлиғи номига расмийлаштирилади, шунингдек Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестрига тегишли ўзгартишлар киритилади.

### **5-модда. Деҳқон хўжалигининг аъзолари**

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), ота-онаси, фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобоси, бувиси ва набиралари, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (фарзандлари ва набираларининг эри (хотини), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эри (хотини)) деҳқон хўжалигининг аъзолари бўлиши мумкин.

**2-боб. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва ҳисобга қўйиш ёки деҳқон хўжалигини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш. Ер участкасидан фойдаланиш шартлари ва сув истеъмоли**

**6-модда. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш**

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалиги бошлиғида ер участкасига бўлган ҳуқуқ юзага келганидан ва деҳқон хўжалиги ҳисобга қўйилганидан кейин, юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжалиги эса — деҳқон хўжалиги бошлиғида ер участкасига бўлган ҳуқуқ юзага келганидан ва деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ташкил этилган деб ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги:

деҳқон хўжалигини юритиш учун ушбу Қонун кучга киргунига қадар мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мерос бўйича ёхуд ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича ўтган шахсларга берилган ер участкаларида;

захира ерларнинг, шу жумладан қайта тикланган ва фойдаланишга киритилган ерларнинг таркибидан ижарага берилган ер участкаларида;

фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерлари ҳамда бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерлари таркибидан хавфсизлик талабларига ва техник талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш шarti билан ижарага берилган ер участкаларида;

сув объектларининг қирғоқлари бўйидаги ерлар таркибидан хавфсизлик талабларига ва техник талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш шarti билан ижарага берилган ер участкаларида;

кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асосий экиндан бўшаган қисмини оралиқ экин экиш учун бир мавсумга иккиламчи ижарага берилган ер участкаларида ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбoshiларида кўрсатилган ерлар ўттиз йил муддатга ижарага берилади.

**7-модда. Деҳқон хўжалигини ҳисобга қўйиш ёки деҳқон хўжалигини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш**

Деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалиги бошлиғининг давлат хизматлари марказларига шахсан ташрифи воситасида ёки Ўзбекистон Республикаси давлат хизматларининг Ягона интерактив портали орқали ҳисобга қўйилди ёки давлат рўйхатидан ўтказилади.

Деҳқон хўжалигини ҳисобга қўйиш учун деҳқон хўжалигининг бошлиғи деҳқон хўжалиги аъзоларининг таркиби тўғрисидаги ахборотни (қариндошлик даражасини кўрсатган ҳолда) ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни, деҳқон хўжалиги

юримдик шахс ташкил этган ҳолда тузилган тақдирда эса — деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ва таъсис ҳужжатларини тақдим этади.

Ҳисобга қўйилганидан ёки давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин деҳқон хўжалиги бошлиғига Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирма берилади.

Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирмада деҳқон хўжалигининг бошлиғи ва аъзолари, деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви, деҳқон хўжалиги ҳисобга қўйилган ёки давлат рўйхатидан ўтказилган сана, деҳқон хўжалигининг ташкилий-ҳуқуқий (юримдик шахс ташкил этган ҳолдаги ёки юримдик шахс ташкил этмаган ҳолдаги) шакли тўғрисидаги маълумотлар ҳамда деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасининг ижара (иккиламчи ижара) шартномаси муддати кўрсатилади.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган (мерос бўйича ўтган) ер участкаларига нисбатан Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирмада ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ҳужжатда мавжуд бўлган ахборот кўрсатилади.

Деҳқон хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказганлик, деҳқон хўжаликларини ҳисобга қўйганлик ёки давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳамда Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирмалар берганлик учун давлат божи ва йиғим ундирилмайди.

### **8-модда. Деҳқон хўжалигини юритиш учун ижарага (иккиламчи ижарага) берилладиган ер участкалари майдонининг ўлчами**

Деҳқон хўжалигини юритиш учун 0,06 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда ер участкалари берилади, бундан ушбу модданиннг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан деҳқон хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларниннг асосий экиндан бўшаган қисми оралик қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун 0,06 гектардан 10 гектаргача бўлган ўлчамда бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) берилиши мумкин.

### **9-модда. Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан фойдаланиш шартлари**

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви асосида фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилиши керак.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан бир вақтининг ўзида деҳқон хўжалигининг ихтисослашувида назарда тутилмаган бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини деҳқон хўжалигининг ихтисослашувига мувофиқ асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг қатор ораларига экиш

(ўтказиш) ёки асосий ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини навбатлаб экиш йўли билан етиштириш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан фойдаланиш шартлари ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилади.

Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида бинолар ва иншоотларни, шу жумладан ер ости иншоотларини қуриш тақиқланади, бундан энгил конструкцияли иссиқхоналарни ва бошқа иморатларни, шунингдек суғориш иншоотларини қуриш мустасно.

Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бир вақтда шартли 10 бошгача чорва молни ўтлатишга йўл қўйилади.

Дехқон хўжалиги ўз тасарруфидаги ер участкасини муҳофаза қилиши (ерлардан хўжасизларча фойдаланишга ёки уларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолишига йўл қўймаслиги), унинг маҳсулдорлигини сақлаши ва ошириши шарт.

**10-модда. Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан фойдаланилиши устидан давлат назорати.**

Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилona фойдаланилиши устидан назорат қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Дехқон хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ихтисослашувга кўра амалга оширилмаган тақдирда, ер солиғи уч барабар миқдорда ундирилади, бундан ушбу Қонун 9-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Дехқон хўжалиги томонидан тупроқ унумдорлигини пасайтириш, тупроқни кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлослантириш, шунингдек экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усулларни қўллаш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида энгил конструкцияли иссиқхоналар ва бошқа иморатлардан, шунингдек суғориш иншоотларидан ташқари иншоотлар ва иморатлар, шу жумладан ер ости иншоотлари аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органининг ёзма тақдимномасига кўра дехқон хўжалиги бошлиғи мазкур иншоотлар ва иморатларни ваколатли давлат органининг ёзма тақдимномасини олган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ихтиёрий равишда ўз ҳисобидан бузиб ташлаши ҳамда ер участкасини олдинги ҳолатига келтириши шарт.

Ваколатли давлат органининг ёзма тақдимномаси дехқон хўжалиги бошлиғи томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, иморатлар ва иншоотларни, шу жумладан ер ости иншоотларини бузиб ташлаш ҳамда ер участкасини олдинги ҳолатига келтириш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал этилади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллардан бири кетма-кет уч йил давомида такрорланган тақдирда, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкасини олиб қўйиш ёки ижара (иккиламчи ижара) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал этилади.

Дехқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг ер участкасидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги қонунчиликда белгиланади.

### **11-модда. Сув истеъмоли**

Дехқон хўжалигининг сув истеъмоли унга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан белгиланадиган сув объектларидан сув олиш лимитлари асосида амалга оширилади.

Дехқон хўжалигига бериладиган суғориш сувининг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланади.

Дехқон хўжалиги сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиши шарт.

## **3-боб. Дехқон хўжалиги фаолиятининг асослари**

### **12-модда. Дехқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти**

Дехқон хўжалиги ўз ихтисослашувини, шу жумладан қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари ва ҳажмларини, уларни етиштириш ҳамда агротехник тадбирларни ўтказиш усулларини мустақил равишда белгилайди.

Дехқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган уруғлик, минерал ўғитлар ҳамда ёқилғи-мойлаш материалларини сотиб олишда, шунингдек бошқа моддий ресурслар ҳамда хизматлардан фойдаланишда бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тенг ҳуқуқларга эгадир. Шу мақсадда дехқон хўжалиги бошлиғи тегишли ташкилотлар билан белгиланган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар тузиши, биржа савдоларида иштирок этиши мумкин.

Дехқон хўжалиги ўзи ишлаб чиқараётган ва реализация қилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатига тааллуқли бўлган, давлат стандартларида, санитария қоидалари ва нормаларида, гигиена нормативларида, ветеринария, ёнғинга қарши қоидаларда ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этиши керак.

Дехқон хўжаликларининг хўжалик фаолиятига, шу жумладан улар томонидан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларини танлашга, ишлаб чиқариладиган ҳамда реализация қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашга давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

**13-модда. Дехқон хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш**

Дехқон хўжалиги ўзи ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда нархлар белгилайди.

Дехқон хўжалиги Дехқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирма асосида ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўшимча ҳужжатларсиз (рухсатномаларсиз) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ташиниш ва реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Дехқон хўжалиги ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини даласида, дехқон бозорларида ва савдо марказларида, шунингдек аҳоли пунктларида сайёр савдо ташкил этиш йўли билан қўшимча рухсатномаларсиз (лицензияларсиз) реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Дехқон хўжалиги ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нақд пулга ёки банк карталари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали чекловларсиз реализация қилиш ҳуқуқига эга. Бунда дехқон хўжалиги хўжалик юритувчи субъектлар учун касса операциялари қоидаларида назарда тутилган ҳисоб юритиши шарт эмас.

Дехқон хўжалиги ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

Дехқон хўжалиги томонидан ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишдан олинган даромадларга солиқ солинмайди.

**14-модда. Дехқон хўжалигининг молиявий хизматлардан фойдаланиши**

Дехқон хўжалиги ўз фаолиятини амалга ошириш учун кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар олиши, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик ва шартнома шартлари асосида гаров, кафолат, суғурта, шунингдек кредит ва қарз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашнинг бошқа турларини қўллаган ҳолда жалб этиши мумкин.

Дехқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш учун зарур бўлган жиҳозлар, техника воситалари ҳамда асбоб-ускуналарни лизинг шартномаси асосида ўз эгалигига олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Дехқон хўжалиги ишлаб чиқариш объектларини (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкалари ҳудудидан ташқарида) қуриш, асосий воситаларни харид қилиш учун узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар олиш ҳуқуқига эга.

Дехқон хўжалиги кредит олиш учун ўз тасарруфидаги ер участкасига бўлган мулкӣ ҳуқуқларни (эгаллик қилиш, фойдаланиш), дехқон хўжалиги аъзоларининг хусусий мулкни, келгусида олинадиган ҳосилни гаровга қўйишга ҳақли.



Дехқон хўжалиги ўзига қарашли ёки ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг (кўчатзорларининг), кўп йиллик дов-дарактларнинг, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), камомади ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўз жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилишни амалга оширади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади.

Кредитлаш, суғурта ва лизинг бўйича кичик бизнес ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериладиган имтиёзларнинг барча турлари деҳқон хўжаликларига ҳам татбиқ этилади.

### **15-модда. Деҳқон хўжалигида меҳнат муносабатлари**

Деҳқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Деҳқон хўжалигининг ихтисослашувига қараб, муайян ишни бажариш учун меҳнат шартномаси шартлари асосида бошқа шахслар вақтинчалик (мавсумий) асосда жалб этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари, шунингдек деҳқон хўжалигида банд бўлган жисмоний шахслар ижтимоий солиқ тўлайди. Бунда деҳқон хўжалиги бошлиғи ижтимоий солиқни мажбурий тартибда, бошқа аъзолари ва деҳқон хўжалигида банд бўлган жисмоний шахслар ихтиёрий асосда тўлайди. Ижтимоий солиқни тўлаш деҳқон хўжалиги аъзосининг ва деҳқон хўжалигида банд бўлган жисмоний шахснинг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир календарь йил деб ҳисобга олинади. Ижтимоий солиқни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланади.

Деҳқон хўжаликлари аъзоларига ижтимоий суғурта (таъминот) бўйича давлат пенсиялари ва нафақаларини тайинлаш ҳамда тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи деҳқон хўжалигида меҳнат шартномаси шартларига кўра вақтинчалик (мавсумий) асосда ишлаётган жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига улар меҳнат мажбуриятларини бажараётганда етказилган зарар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

### **16-модда. Деҳқон хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти**

Деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш, ўз фаолияти учун материаллар ва ускуналарни харид қилиш, техника таъминоти, сув ресурсларидан фойдаланиш, ўсимликларни (дарактларни) зараркунандалар ҳамда касалликлардан ҳимоя қилиш, деҳқон хўжаликлари фаолияти учун зарур бўлган маслаҳат бериш ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича биргаликдаги фаолиятни, шу жумладан ишлаб чиқариш кооперативини ихтиёрийлик асосида ташкил этиш орқали амалга ошириш ҳуқуқига эга.

### **17-модда. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш**

Деҳқон хўжалиги ўз фаолияти натижаларининг ҳисобини юритади.

Дехқон хўжалиги йил давомида ер участкасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари, шунингдек иссиқхоналар сони тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган белгиланган шаклдаги маълумотномани дехқон хўжалиги жойлашган ердаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ҳисобот давридан келгуси йилнинг 15 мартига қадар тақдим этади.

#### **4-боб. Дехқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

##### **18-модда. Дехқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари**

Давлат дехқон хўжаликларининг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Дехқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкалари майдонларини уларнинг розилигисиз мақбуллаштиришга (қисқартиришга, ўзгартиришга ва бошқаларга) йўл қўйилмайди.

Давлат органлари дехқон хўжаликларини ривожлантиришга ва уларнинг фаолиятини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Дехқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

дехқон хўжаликларини имтиёзли кредитлаш механизмларини яратиш, шунингдек уларга лизинг ва суғурта хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўладиган органик ва минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, сув ва бошқа зарур ресурслар, навли уруғлик ва кўчатларни узлуксиз етказиб бериш тизимини жорий этиш;

дехқон хўжалиги фаолияти учун зарур бўлган йўллардан, электр, сув таъминотидан ҳамда мелиорация иншоотларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

дехқон хўжаликлари ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ички ва ташқи бозорлардаги талаб ҳамда таклиф тўғрисида ишончли ахборот, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга доир илмий-амалий тавсиялар ҳамда қўлланмалар тақдим этиш;

дехқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш учун дехқон бозорларида махсус савдо расталарини ва савдо марказларида савдо жойларини ажратиш, шунингдек аҳоли пунктларида кўчма савдо ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

дехқон хўжаликлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун имтиёзлар тизимини жорий этиш;

дехқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, шунингдек уларнинг ҳажмларини

кўпайтиришни ҳамда илғор илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўриш.

**19-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг деҳқон хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасида ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасида деҳқон хўжаликларига имтиёзлар, субсидиялар ҳамда бошқа преференциялар жорий этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**20-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

деҳқон хўжаликларининг ер участкалари майдонини, тупроқ-иқлим шароитлари ва сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда агротехник тадбирларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда улардан бепул фойдаланилишини таъминлайди;

деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш учун ресурсларни тежовчи агротехнологияларни, муқобил энергия манбаларини жорий этишда кўмаклашади;

деҳқон хўжаликлари томонидан ер участкаларидан самарали фойдаланишга ҳамда деҳқончилик маданиятини оширишга доир тушунтириш ишларини олиб боради;

манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда ички ва ташқи бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган таклиф ва талаб масалалари бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиши;

келгуси йилда талаб юқори бўладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рўйхати ва ҳажми бўйича таклифлар ҳамда тавсияларни маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида ишлаб чиқади ва уларнинг жойларга етказилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**21-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

деҳқон хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга қўмаклашади ҳамда зарур шарт-шароитлар яратади;

деҳқон хўжаликлари билан ҳамкорлик қилиш учун экспорт қилувчиларни жалб этади, уларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда ҳар томонлама қўмаклашади;

деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишида иштирок этади;

деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

деҳқон хўжаликларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларни сув ресурслари билан таъминлаш, уларга зарур уруғликлар, кўчатлар, минерал ўғитларни етказиб бериш борасида амалий ёрдам кўрсатади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**5-боб. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ўзаро муносабатлари**

**22-модда. Деҳқон хўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

деҳқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш юритиш;

юрidik ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкасини ёки шу ер участкасининг бир қисмини деҳқон хўжалигининг ихтисослашувига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида, мазкур ер участкасига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга бериш;

ишончномалар бериш;

банкда ҳисобварақлар очиш.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи деҳқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши шарт.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**23-модда. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Деҳқон хўжалигининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

деҳқон хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳ-

сулотларидан ҳамда уни реализация қилишдан олинган даромаддан ўз улушини олиш;

деҳқон хўжалиги бошлиғининг топшириғига кўра деҳқон хўжалиги номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш;

ушбу Қонун 15-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ижтимоий солиқни тўлаган тақдирда қонунчиликка мувофиқ давлат ижтимоий сўғуртасига эга бўлиш ва ижтимоий таъминот олиш, шунингдек деҳқон хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақтининг меҳнат стажига қўшилиши (бошқа доимий иши мавжуд бўлмаган тақдирда).

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **24-модда. Деҳқон хўжалигидаги мулкӣ муносабатлар**

Деҳқон хўжалигига тегишли мол-мулк, деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган маҳсулотлар ва уларни реализация қилишдан тушган даромад, агар улар ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, уларнинг умумий биргаликдаги мулкидир.

Деҳқон хўжалигининг ва унинг аъзоларининг мулкӣ ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлади.

## **6-боб. Якунловчи қоидалар**

### **25-модда. Деҳқон хўжалигини тугатиш (фаолиятини тугатиш) асослари**

Деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқ тугаганда ёки ижара (иккиламчи ижара) муддати тугаганда тугатилади (фаолияти тугатилади).

Деҳқон хўжалигини тугатиш (фаолиятини тугатиш) қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги тасарруфидаги ер участкасига бўлган ҳуқуқ тугатилганда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган куннинг ўзида давлат хизматлари марказига электрон хабарнома юборади. Деҳқон хўжалигининг фаолияти тугатилганлиги тўғрисида Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилади.

### **26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**27-модда. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик**

Дехқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигини юритиш жараёнида юзага келадиган мажбуриятлари бўйича ўзларининг биргаликдаги фаолияти натижасида вужудга келган умумий мол-мулк билан жавоб беради.

Дехқон хўжалиги аъзоларининг умумий мол-мулки етарли бўлмаганда улар мажбуриятлар бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

**28-модда. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**29-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Деҳқон хўжалиги тўғрисида**»ги 604–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Деҳқон хўжалиги тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида**»ги 605–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 89-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги 175–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 23-модда) **23-банди**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 220–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) **XVII бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 535–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **XXI бўлими**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **XXI бўлими**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги 714-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **42-банди**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-2-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) **6-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-138-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда) **10-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган **«Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ-197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **22-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январда қабул қилинган **«Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-199-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 1, 1-модда) **7-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-240-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда) **9-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-254-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 334-модда) **5-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилин-

ган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **20-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **18-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **15-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–506-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 12, 781-модда) **4-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–533-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 4, 199-модда) **3-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–639-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 540-модда) **4-моддаси**.

### **30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.



**31-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**32-модда. Ушбу Қонун нормаларининг қўлланилиши**

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан бекор қилинади.

Бунда ушбу Қонун кучга киргунига қадар ташкил этилган деҳқон хўжаликларига нисбатан уларга берилган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Қонун кучга киргунига қадар ташкил этилган деҳқон хўжаликларининг фаолияти 2021 йил 1 декабрга қадар ушбу Қонун талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

**33-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 апрель,  
ЎРҚ-680-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**141** **Томорқа хўжалиги тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 26 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда  
маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади томорқа хўжалиklarини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши белгиланган тартибда хусусийлаштирилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари, шунингдек мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкалари билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-модда. Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик**

Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Томорқа хўжалиги**

Томорқа хўжалиги шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва томорқа хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди. Томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (қайта ишлаш) бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил равишда амалга оширувчи шахс аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин.

Томорқа хўжалигини юритиш учун ажратилган шахсий томорқа ер участкасида етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусий мулкдир.

**4-модда. Шахсий томорқа ер участкаси**

Шахсий томорқа ер участкаси томорқа хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёхуд яқка тартибда уй-жой

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 апрелда эълон қилинган.

қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш мақсадида ажратилган ер участкасидир.

Томорқа хўжалигини юритиш учун:

эркин савдо ва оила эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида ушбу Қонун кучга киргунига қадар мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар, ўрмон фонди ерлари ҳамда аҳоли пунктлари ерларидан берилган ер участкаларидан;

мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларидан фойдаланилиши мумкин.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган шахсий томорқа ер участкалари ёки уларнинг бир қисми мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи сақлаб қолинган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланиш учун топширилиши мумкин.

Ер участкаларини томорқа хўжалигини юритиш учун бериш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **5-модда. Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари**

Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахслар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

томорқа хўжаликларини эркин ва мустақил равишда бошқариш, шу жумладан етиштирилган ҳамда мустақил тарзда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин реализация қилиш, мустақил равишда нарх белгилаш ва олинган даромадларни тасарруф этиш;

ўзи етиштирган ёки қайта ишлаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорларда, савдо шахобчаларида мустақил равишда ёки ўз вакиллари орқали монеликсиз ва эркин реализация қилиш;

агрокластерлар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативларига ихтиёрий равишда аъзо бўлиш;

иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ҳамда паррандалар, қишлоқ хўжалиги ашё-анжомлари ва ускуналари, суғориш қурилмалари (насослар, артезиан қудуқлар ва бошқаларни) сотиб олиш учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлардан, шу жумладан имтиёзли кредитлардан, субсидиялардан ва бошқа преференциялардан фойдаланиш;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ихтиёрий равишда аъзо бўлиш;

ерга оид ташкилотларнинг ҳамда хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва реализация қилишга доир хизматларидан фойдаланиш;

шахсий томорқа ер участкаларида давлат органларининг, шу жумла-

дан архитектура-қурилиш, экология, санитария-гигиена органларининг ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи органларнинг рухсатномасини олиш заруратисиз енгил конструкциялардан иссиқхоналар қуриш;

сув ресурсларидан фойдаланиш.

Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**6-модда. Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг мажбуриятлари**

Шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахслар:

ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаши, шу жумладан ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки ободонлаштиришни амалга ошириши;

тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш чораларини кўриши;

сув ресурсларидан оқилона ва тежаб фойдаланиши;

уй-жой қуриш ҳуқуқисиз ажратилган ер участкаларида бинолар ва иншоотлар қурмаслиги;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда экология ҳамда санитария талаблари ва нормаларига риоя этиши шарт.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг томорқа хўжаликларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

томорқа хўжаликларини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

томорқа хўжаликларини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурларини қабул қилади;

шахсий томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди;

шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган уруғликлар, кўчатлар, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш механизмини тасдиқлайди;

шахсий томорқа ер участкаларида юқори ҳосилли, экспорт учун мўлжалланган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ташкил этишга, моддий-техника ресурслари билан таъминлашга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишни ташкил этишга доир тадбирлар дастурларини тасдиқлайди;

шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда реализация қилиш соҳасида имтиёзлар, субсидиялар ва бошқа преференциялар берилишига доир таклифларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг томорқа хўжаликларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

томорқа хўжаликларини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

томорқа хўжаликларини ривожлантириш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

тегишли ҳудудда томорқа хўжаликларини ривожлантиришга доир асосий кўрсаткичларни шакллантиради;

томорқа хўжаликларининг моддий-техника таъминотини яхшилашга, уларни сув ресурслари, зарур уруғликлар, кўчатлар, минерал ўғитлар билан таъминлашга доир тегишли чора-тадбирларни, шунингдек томорқа хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни белгилайди.

**9-модда. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг томорқа хўжаликларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти**

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши:

шахсий томорқа ер участкаларининг эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишда, шу жумладан агротехника тадбирларини бажаришда ҳамда шартномалар тузишда, маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатади;

шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизматлар кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда ҳимоя қилади, шунингдек судда уларнинг манфаатларини ифода этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда томорқа хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чоралар кўради;

ресурсларни тежовчи агротехнологияларни, муқобил энергия манбаларини жорий этишга кўмаклашади;

шахсий томорқа ер участкаларида деҳқончилик маданиятини оширишга кўмаклашади, шунингдек улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашга доир тушунтириш ишларини амалга оширади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ер участкаларидан хусусий ер эгалари томонидан фойдаланилиши масаласи бўйича ўз ваколатлари доирасида:

ички ва ташқи бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда уларни етиштириш (қайта ишлаш) масалаларига доир тавсияларни ишлаб чиқади ҳамда бепул ва пулли асосда томорқа хўжаликларига тақдим этади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорга етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлайди.

**10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг томорқа хўжаликларини ривожлантириш соҳасида иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

томорқа хўжаликларини эркин ва мустақил равишда бошқаришда, шу жумладан етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мустақил тарзда тасарруф этишда, мустақил равишда нарх белгилашда ва даромадларни тасарруф этишда шахсий томорқа ер участкалари эгаларига кўмаклашади;

томорқа хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида шахсий томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалаларига доир тушунтириш ишларини олиб боради;

шахсий томорқа ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан мониторингни амалга оширади.

**11-модда. Томорқа хўжалигидаги меҳнат фаолияти**

Томорқа хўжалигидаги фаолият шахсий томорқа ер участкаси эгасининг ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Майдони камида 0,04 гектар бўлган шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда шохли қорамол ёхуд камида эллик бош парранда боқаётган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари ижтимоий солиқ тўлаши мумкин. Бунда шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари ижтимоий солиқни ихтиёрий асосда тўлайди. Ижтимоий солиқнинг белгиланган миқдорини тўлаш меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш чоғида бир календарь йил деб ҳисобга олинади. Ижтимоий солиқни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланади.

**12-модда. Томорқа хўжалигини юритишда фойдаланиладиган мол-мулк**

Томорқа хўжалигини юритишда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида берилган шахсий томорқа ер участкасида жойлашган турар жой, ишлаб чиқариш биноларидан, маиший ва бошқа бинолардан, шунингдек транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникасидан, ашёлар, асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, асаларилар, паррандалар, ипак қурти (пилла) ва бошқа мол-мулкдан фойдаланилиши мумкин.

**13-модда. Томорқа хўжалиklarининг ҳисобини юритиш**

Томорқа хўжалиklarининг ҳисоби шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган шахслар томонидан ихтиёрий равишда такдим этиладиган маълумотлар асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Томорқа хўжалиklarини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш орқали юритилади.

Томорқа хўжалиklarини ҳисобга олиш реестрида қуйидаги ахборот акс эттирилади:

шахсий томорқа ер участкаси эгасининг, шунингдек у билан бирга яшовчи ёки томорқа хўжалигини юритишни биргаликда амалга оширувчи бошқа шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси;

шахсий томорқа ер участкасининг дон экинлари, мевали ва манзарали дарахтлар экилган, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган (қайта ишланадиган) майдони;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг, асалариларнинг, паррандаларнинг ва ипак қурти қутиларининг сони;

қишлоқ хўжалиги техникасининг, ускуналарининг, транспорт воситаларининг сони тўғрисидаги ахборот.

Томорқа хўжалиklarини ҳисобга олиш реестрида акс этирилган маълумотлардан қонунчиликда белгиланган тартибда томорқа хўжалиklarини ривожлантиришга доир асосий кўрсаткичларни шакллантириш ва амалга ошириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланилади.

**14-модда. Низоларни ҳал этиш**

Шахсий томорқа ер участкаларида томорқа хўжалиklarини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**15-модда. Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**16-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги 113–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда) **11-модда биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошисидаги** «шахсий томорқа, фермер ва деҳқон хўжалиklarига» деган сўзлар «томорқа, фермер ва деҳқон хўжалиklarига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 543–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда) **11<sup>1</sup>-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларига» деган сўзлар «томорқа, фермер ва деҳқон хўжаликларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда) ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «шахсий томорқа хўжаликларидаги» деган сўзлар «томорқа хўжаликларидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **96-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида» деган сўзлар «томорқа ва деҳқон хўжаликларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**17-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**18-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**19-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 апрель,  
ЎРҚ–681-сон



## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 142 Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллашти- риш тўғрисида\*

Сўнги йилларда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикани инновациялар соҳасидаги глобал рейтингдаги илғор 50 та мамлакатлар рўйхатига киритишга қаратилган стратегик дастур тасдиқланди, илмий лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмлари жорий этилди, илм-фан соҳасида юқори малакали кадрларни молиявий рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилди.

Шундай бўлсада, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар илм-фан ва инновация соҳасида давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштириш, илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришда шаффофликни ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Миллий илм-фан ва инновация тизимини ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини ошириш, ҳудудларда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

1. Қуйидагилар Инновацион ривожланиш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни илм-фан ютуқлари ва инновациялар асосида ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш;

ҳудудларнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 апрелда эълон қилинган.

илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш;  
ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни кенг жалб этиш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ва венчурга асосланган молиялаштиришни ривожлантириш;

инновацион ишланмалар асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг молиявий, иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларини татбиқ этиш учун зарур шароитларни таъминлаш;

иқтисодиётнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда тармоқ илмий-тадқиқотларни ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, интеллектуал мулк қатнашадиган янги ташкилотларни шакллантириш ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш;

илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, инновациялар ва технологиялар трансфери бўйича чоратадбирларни амалга ошириш.

2. Қуйидагилар Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

биотехнологияларни ривожлантириш соҳасида биофармацевтик маҳсулотлар, рекомбинант ва ДНК вакциналар, биотиббидиёт ташхислаш технологиялари ҳамда ҳудудлар хусусиятидан келиб чиқиб ген ва хужайра муҳандислигига асосланган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги биотехнологик навларини яратиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш соҳасида тупроқ ресурслари ҳолатини комплекс мониторинг қилиш тизими ҳамда ресурс тежамкор суғориш ва ўғитлантириш агротехнологияларини яратиш, бунда ҳудудларда мобиль лабораториялар тармоғини ташкил этиб, тупроқдаги мавжуд фойдали ва зарарли моддаларни аниқлаш асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг агрохимёвий хариталарини ишлаб чиқиш;

«сунъий интеллект»ни жорий этиш соҳасида йўл транспорт инфратузилмаси, таълим ва суд тизимида «ақлли» инновацион технологияларни яратиш;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида муқобил ва экологик тоза энергия манбаи — «яшил» водородни ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллаш бўйича инновацион технологияларни яратиш;

чорвачиликни ривожлантириш соҳасида генетика усулларини қўллаш орқали чорва зотларининг генофондини кўпайтириш ва гўшт маҳсулдорлигини ошириш, ем-озуқа базасини кенгайтириш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида қайта ишлаш самарадорлигини оширишга

қаратилган қишлоқ хўжалиги техникасининг инновацион конструкцияларини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг янги технологияларини яратиш.

### 3. Қўйидагилар:

Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури (кейинги — ўринларда чора-тадбирлар дастури) 1-иловага\* мувофиқ;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги фаолияти натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, чора-тадбирлар дастури доирасида:

Инновацион ривожланиш вазирлиги — лойиҳалар (ишланмалар)ни ташаббус қилиш (яратиш) ва амалга оширишда қўмақлашади, инновацион технологиялар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради ҳамда белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради;

илмий ташкилотлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар — ҳар бир лойиҳа (ишланма)ни амалга ошириш (яратиш) учун чуқур илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширади ҳамда уларнинг тегишли тармоқларга жорий этилишини таъминлайди.

Вазирлик чора-тадбирлар дастурида белгиланган лойиҳалар (ишланмалар)ни молиялаштиришга венчур жамғармалари ва хусусий сектор вакилларини кенг жалб қилсин.

4. Худудларда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида Вазирлик тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари (кейинги ўринларда — худудий бошқармалар) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Вазирликка юклатилган асосий вазифалар ва функцияларнинг худудлардаги ижроси худудий бошқармалар томонидан амалга оширилади;

худудий бошқармалар томонидан шакллантирилган илмий фаолиятга оид худудий дастурлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш худудий бошқармалар зиммасига юклатилади;

худудлардаги илм-фан ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Инновацион фаолият ва технологиялар трансфери марказлари фаолияти худудий бошқармалар томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси унга Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасини ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар

---

\* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини қўшиб олиш йўли билан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Жамғарма мазкур банднинг биринчи хатбошисидаги ташкилотларнинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вори-си ҳисобланади;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар Жамғарма томонидан молиялаштирилади.

6. Барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик ташкилотларда амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига инновацияларни жорий этиш (Chief Innovation Officer) вазифаси юклатилсин.

Инновацияларни жорий этиш вазифаси юклатилган раҳбар ўринбосарларининг тегишли йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Вазирликка юклатилсин ҳамда уларнинг базавий лавозим маошига ҳар ойда 30 фоиз миқдорида устама тўлансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманлар рўйхати 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик (И.Ю. Абдурахмонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда бир ой муддатда 3-иловада кўрсатилган туманларни инновацион ҳудудларга айлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлиги бошқарув аппаратида ҳокимликнинг умумий штат бирликлари чекланган сони доирасида туман ҳокимининг инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими (кейинги ўринларда — ҳоким ўринбосари) жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

ҳоким ўринбосари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг тавсияномаси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Чуст туманида янги ҳудудий инновацион инфратузилмалар яратиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «Яшнобод» инновация технопарки резидентларини экстерриториал тамойил асосида Чуст тумани ҳудудида жойлаштиришга рухсат этилади.

9. Вазирлик томонидан илмий ташкилотлар рейтинги юритилаётганлиги ҳамда уларнинг илмий ва инновацион фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини баҳолаш тизимини жорий қилсин.

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Вазирлик томонидан ҳар календарь йил якуни бўйича илмий ташкилотларнинг ҳамда ҳар ўқув йили якуни бўйича олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолияти баҳоланади;

Вазирлик баҳолаш натижаларига кўра олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан ректор (директор) ҳамда уларнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорига (директор ўринбосарига) нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазоларни қўллаш ҳақида тизимида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлари бўлган тегишли вазирлик ва идораларга тақдимнома киритади;

олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарларининг (ректор, директор) илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ва директор ўринбосари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг тақдимномасига мувофиқ тизимида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлари бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарининг буйруғига асосан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Вазирлик билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар нуфузли хорижий университетлар ва илмий марказлар билан илмий-инновацион соҳада икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-илова\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Вазирлик бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 январга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 апрель,  
ПФ-6198-сон

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**143 Республика аэропортларини бошқариш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5584-сон Фармониға мувофиқ ҳамда республика аэропортларида йўловчиларға ва авиаташувчиларға юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, республика аэропортларини давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция, модернизация, эксплуатация қилиш ва бошқариш лойиҳаларини амалға ошириш доирасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланган кундан бошлаб уч йил муддатға:

а) хусусий шериклар, улар томонидан жалб қилинадиган лойиҳа ташкилотлари, операторлар, маслаҳатчилар, пудратчилар ва субпудратчилар:

олиб кириладиган махсус транспорт воситалари, йўл-қурилиш техникаси, машиналар, механизмлар, усқуналар, хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, узеллар, технологик ва лойиҳа ҳужжатлари, дастурий таъминот, жиҳозлар, шу жумладан, лойиҳани амалға оширишда иштирок этаётган пудрат қурилиш ташкилотларини жиҳозлашға мўлжалланган махсус йўл-қурилиш техникаси ва усқуналари учун божхона божидан;

олиб кириладиган транспорт воситалари (енгил автомобиллардан ташқари) ва махсус техника учун утилизация йиғимидан озод қилинади;

б) хусусий шериклар ва аэропортлар фойда солиғини, шу жумладан дивиденд тўлашда ушлаб қилинадиган фойда солиғини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридан тўлайди;

в) аэропортлар учун мол-мулк солиғининг белгиланган ставкаси 50 фоизға камайтирилади.

2. Транспорт вазирлиги «Uzbekistan Airports» АЖ билан биргаликда: республика аэропортларини реконструкция, модернизация, эксплуатация қилиш ва бошқариш лойиҳаларини амалға оширишға давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш чораларини кўриб борсин;

давлат-хусусий шериклик асосида реконструкция, модернизация, эксплуатация қилиш ва бошқариш лойиҳалари амалға ошириладиган аэропортларда халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ хорижий авиакомпаниялар учун рейслар ва йўналишлар бўйича чекловларнинг ўрнатилган тартибда бекор қилинишини кўзда тутувчи «Очиқ осмон» режими жорий этилишини таъминласин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 мартда эълон қилинган.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 март,  
ПҚ-5042-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**144 Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион  
ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада та-  
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-6198-сон Фармониға мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 1-иловаға\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловаға\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловаға\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-иловаға\*\* мувофиқ;

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси 5-иловаға\*\* мувофиқ;

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кузатув кенгашининг таркиби 6-иловаға\*\* мувофиқ;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази негизида, унинг белгиланган умумий чекланган штат бирликлари ва иш ҳақи жамғармаси доирасида ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, давлат муассасаси шаклидаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси (кейинги ўринларда — Миллий офис) ташкил этилсин.

Миллий офиснинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий фаолият натижалари, инновацион маҳсулотлар ва хизматлар, шу жумладан янги қурилмалар, материаллар ҳамда технологияларни яратиш, жорий этиш, кўпайтириш ва уларни тижоратлаштириш;

тижоратлаштириш имкониятига эга ишланмаларни танлаш, баҳолаш ва жорий этишда фаол қатнашиш, уларни тижоратлаштириш учун инвестицияларни жалб қилиш, ушбу йўналишда форумлар, халқаро ярмарка ва кўргазмалар ўтказиш;

илмий, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ташкилотларни ишлаб чиқариш ташкилотлари билан илмий ва инновацион соҳада изчил ҳамкорлигини ривожлантириш;

илмий фаолият субъектларига интеллектуал мулк объектлари ва ноу-хаулардан фойдаланиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш, молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда маркетинг усулларини қўллаш бўйича ўқув ва тренинг курсларини ташкил қилиш;

хорижда ишлаб чиқилган технологиялар трансферини амалга оширишга ва маҳаллийлаштиришга кўмаклашиш.

### 3. Белгилансинки:

Миллий офис бош директори инновацион ривожланиш вазирининг тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Миллий офис бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Миллий офис бош директорининг ўринбосарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари бошлиқлари инновацион ривожланиш вазири томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларининг бошлиқлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларига тенглаштирилади.

\* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



4. Белгилаб қўйилсинки:

Инновацион ривожланиш вазирлигини сақлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, тизим ташкилотлари ҳамда Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ходимларини рағбатлантириш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Миллий офис, Жамғарма, Илмий-техник ахборот маркази, «Яшнобод» инновация технопаркиннинг дирекцияси ва Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 7-уй манзилида жойлаштирилсин.

Бунда:

Миллий офис, Жамғарма, Илмий-техник ахборот маркази, «Яшнобод» инновация технопаркиннинг дирекцияси ва Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи — ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган бинога;

илмий ишланмаларни тижоратлаштириш учун ташкил этиладиган ташкилотлар ҳамда акселерация натижасига кўра Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган стартап ташкилотларнинг маъмурий бошқаруви органлари кўпи билан бир йил муддатга — Инновацион ривожланиш вазирлиги биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари барча шарт-шароитларга эга бинога жойлаштирилишини таъминласин.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисидаги низомни;  
қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

б) қуйидагиларни:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг марказий аппарати ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг штат жадвалини;

Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси уставини тасдиқласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, Инновацион ривожланиш вазирлигига юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 апрель,  
ПҚ–5047-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**145 «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини  
амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга оширишни изчил давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари (кейинги ўринларда — Дастурлар) доирасида:

а) қишлоқлар (маҳаллалар) рўйхати қуйидаги мезонлар асосида шакллантирилади:

олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда жойлашганлиги;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аҳоли томонидан йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари бўйича келиб тушган мурожаатлар сони;

аҳоли ва тадбиркорларда ўзлари истиқомат қилаётган (жойлашган) қишлоқ (маҳалла) ҳудудини биргаликда ободонлаштириш юзасидан ташаббусларнинг мавжудлиги;

«Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомига эгаллиги;

б) қишлоқларда (маҳаллаларда) амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ҳамда уларни молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларни туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларида ҳимоя қилади;

в) ҳар бир қишлоқни (маҳаллани) ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тегишли қишлоқдаги (маҳалладаги) мавжуд имкониятлар, аҳолининг узок йиллар давомида шаклланган салоҳияти, тадбиркорлик муҳити ва «ўсиш нуқталари» инobatга олинган ҳолда белгиланади;

г) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан:

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, жойларда оқова сув хандақлари ва санитария иншоотларини барпо этиш;

электр таъминотини, жумладан, трансформаторлар ва нимстанциялар ҳолатини яхшилаш, алоқа ва ахборотлаштириш тизимини модернизация қилиш, аҳолига газ ёқилғиси узлуксиз етказиб берилишини ташкил этиш;

ички автомобиль йўллари, пиёдалар йўлаклари, транспорт тўхташ бекатлари ва бошқа йўл инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўлбўйларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;

қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, ирригация тизимларини барпо этиш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, ариқларни тозалаш ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни фойдаланишга киритиш;

ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, туризм объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилади.

2. Дастурларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари томонидан:

мазкур қарорнинг 1-банди «а» кичик бандида белгиланган мезонлар асосида ҳар бир туман ва шаҳардан қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган жами 397 та қишлоқ ва маҳалла танлаб олинганлиги;

йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш иш-

ларининг манзилли дастурлари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2021 йилда барча туман ва шаҳардаги жами 7 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишни назарда тутувчи:

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари 1-иловага\* мувофиқ;

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида ички йўллар, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими, электр энергияси ҳамда газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 2, 2а — 2н-иловаларга\* мувофиқ;

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида ирригация, алоқа ва ахборотлаштириш тизимларини яхшилаш, спорт ва болалар майдончалари барпо этиш, қишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш параметрлари 3, 3а — 3н-иловаларга\* мувофиқ;

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида ижтимоий соҳа объектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда уй-жой фондини яхшилаш параметрлари 4, 4а — 4н-иловаларга\* мувофиқ;

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида жамоат транспорти, маиший чиқиндилар билан ишлаш тизими ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 5, 5а — 5н-иловаларга\* мувофиқ;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 6, 6а — 6н-иловаларга\* мувофиқ;

ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш параметрлари 7, 7а — 7н-иловаларга\* мувофиқ;

паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш параметрлари 8, 8а — 8н-иловаларга\* мувофиқ;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 9, 9а — 9н-иловаларга\* мувофиқ;

кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш параметрлари 10-иловага\* мувофиқ;

туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш параметрлари 11, 11а — 11н-иловаларга\* мувофиқ;

ирригация объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 12, 12а — 12н-иловаларга\* мувофиқ;

газ таъминоти тизимини яхшилаш параметрлари 13, 13а — 13н-иловаларга\* мувофиқ;

алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш параметрлари 14, 14а — 14н-иловаларга\* мувофиқ;

---

\* 1 — 14-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 15, 15а — 15н-иловаларга\* мувофиқ;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарлари ҳамда маданият марказларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 16, 16а — 16н-иловаларга\* мувофиқ;

жамоат транспорти ва маиший чиқиндилар билан ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 17, 17а — 17м-иловаларга\* мувофиқ;

кишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш параметрлари 18, 18а — 18м-иловаларга\* мувофиқ;

спорт ва болалар майдончалари барпо этиш параметрлари 19, 19а — 19м-иловаларга\* мувофиқ;

уй-жой фондини яхшилаш параметрлари 20, 20а — 20н-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга, зарур ҳолларда, Дастурлар параметрларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

##### а) Дастурлар доирасида:

ижтимоий соҳа, ичимлик суви таъминоти, оқова сув тизими ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари учун ажратилган маблағлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармалари орқали молиялаштирилади;

электр энергияси, табиий газ ва телекоммуникация тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш тегишинча «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига асосан, Дастурларга тасдиқланган лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳалар киритилиши ёки истиқболсиз лойиҳалар чиқариб ташланиши мумкин;

в) объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Дастурлар доирасида ажратилган маблағлар етишмаган тақдирда, ушбу объектларни қуриш-таъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан копланди;

г) 2021 йил 1 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда

---

\* 15 — 20-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вилоятлар марказларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларини Қурилиш вазирлиги томонидан маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри (танлов савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан ажратилиши мумкин.

5. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар этиб:

ичимлик суви таъминоти объектлари (ижтимоий шериклик лойиҳалари бундан мустасно) бўйича — «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» унитар корхонаси, соҳадаги ижтимоий шериклик лойиҳалари бўйича — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

ички автомобиль йўллари (Тошкент шаҳри кўчалари бундан мустасно) бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги «Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» давлат унитар корхонаси, Тошкент шаҳри кўчалари бўйича — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси;

электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқлари бўйича — тегишинча «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, телекоммуникация операторлари ва провайдерлари худудий филиаллари;

ижтимоий соҳа объектлари ва марказлашган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа объектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ҳамда вазирлик ва идоралар ҳузуридаги буюртмачи ташкилотлар белгилансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Дастурлар доирасида ички йўлларга қум-шағал аралашмасини ётқизиш билан боғлиқ ишларни бажариш тўғрисида тузиладиган шартномаларда 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади;

Дастурлар билан қамраб олинган худудлардаги газ истеъмолчиларига электрон газ ҳисоблагичларини ўрнатиш ҳамда ушбу истеъмолчиларни табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимига улаш навбатсиз амалга оширилади.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг талабномаларига мувофиқ:

Дастурлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари орқали «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармаларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан жами 1 триллион сўмгача маблағлар;

Дастурларда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш

учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан жорий йил якунига қадар қайтариш шарти билан босқичма-босқич 1 триллион сўмгача бюджет ссудаси маблағлари ажратилишини таъминласин;

б) маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бошқа манбалар ҳисобидан қурилган ва давлат ихтиёрига топширилган ижтимоий соҳа объектларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни 2021 йилда — тегишли соҳага ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирсин, 2022 йилдан — Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

2021 йил 15 апрелга қадар қишлоқ ва маҳаллаларда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурига мувофиқ объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда, буюртмачилар томонидан лойиҳа ташкилотларини энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқлашга руҳсат берилсин;

Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳажми ва смета қийматларининг асоссиз равишда ошириб юборилмаслиги устидан назорат ўрнатсин;

Дастурларга киритилган қишлоқлар ва шаҳар маҳаллаларининг бош режа схемалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳудудий лойиҳа ташкилотлари томонидан олдиндан ишлаб чиқилишини ва улар билан боғлиқ тадбирларнинг тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;

жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, якка тартибдаги ва кўп квартирали уйларни, маҳалла бинолари ва гузарларини таъмирлаш, пиёда йўлакларини барпо этиш, тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш, шунингдек, бошқа инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини молиялаштиришга аҳоли ва ташаббускор тадбиркорлар маблағлари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар жалб қилиш чораларини кўрсин;

хар ой якуни билан «Обод қишлоқ» дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (А.Ж. Раматов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигига Дастурлар доирасида бажарилган ишлар ва молиялаштирилган маблағлар бўйича ахборот киритиб борсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Қ.Х. Тапаров):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурлар доирасидаги лойиҳаларнинг ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда

туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган, шунингдек, хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар билан ўзаро боғлиқлигини таъминласин. Бунда, қишлоқ ва маҳаллаларнинг йўналишлари ва «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган 3 триллион сўмгача маблағ ҳудудлардаги инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтирилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йиллар учун «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини тегишли йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури билан бир вақтда ва уйғунлашган ҳолда шакллантирсин ҳамда уларни молиялаштириш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 20 апрелга қадар тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига асосан келгуси йил учун «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига киритиладиган қишлоқ ва маҳаллалар рўйхатини, шунингдек, уларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш чораларини кўрсин.

9. Энергетика вазирлиги (А.С. Султонов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) билан биргаликда уч ой муддатда паст ва ўрта кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш учун хорижий кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

10. Транспорт вазирлиги (И.Р. Маҳкамов), Автомобиль йўллари қўмитаси (А.А. Абдувалиев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х. Қўлдошев), Давлат геология қўмитаси (Б.Ф. Исламов), Давлат экология қўмитаси (А.И. Максудов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда йўл қурилиши билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш, шу жумладан, Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги корхоналарни арзон қум-шағал хом ашёси билан таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) икки ҳафта муддатда Дастурлар доирасида танлаб олинган қишлоқ ва маҳаллаларда давлат хизматлари марказлари филиалларини ташкил этиш бўйича манзилли дастурни тасдиқласин.

12. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) Дастурлар доирасида объектларни қуриш-таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертзасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан тизимли давлат назорати амалга оширилишини таъминласин.

13. «Обод қишлоқ» дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш



бўйича Республика комиссияси (А.Ж. Раматов) мунтазам равишда ҳудудларга чиқиб, Дастурлар ижросини таҳлил қилсин ва ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

14. Бош прокуратура (А.Ю. Мавлонов), Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин ва ҳар ой якуни бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 апрель,  
ПҚ-5048-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**146 Андижон вилояти Асака туманини ободонлаштириш  
ва архитектура қиёфасини янада яхшилаш чора-тад-  
бирлари тўғрисида\***

Андижон вилояти Асака туманининг архитектура қиёфасини янада яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон қарори билан тасдиқланган 2021 йилда инвестиция лойиҳалари доирасида инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастурга мувофиқ «Asaka city» турар жой мажмуасини қуриш» лойиҳасини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

**1. Қуйидагилар:**

Андижон вилояти Асака тумани «Чек» маҳалла фуқаролар йиғини худудида «Asaka city» замонавий кўп функцияли мажмуани (кейинги ўринларда — «Asaka city» мажмуаси) барпо этиш учун 53,3 гектар ер майдони танланганлиги;

«Avtosanoat-Injiniring» МЧЖ «Asaka city» мажмуаси лойиҳасининг (кейинги ўринларда — Лойиҳа) бош режасини (батафсил режалаштириш лойиҳасини) ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи этиб, «Tashgiprolog» АЖ эса танлов асосида бош лойиҳа ташкилоти этиб белгиланганлиги;

2020 йил 31 декабрга қадар Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишларига рухсат олиш, тайёргарлик ишлари ҳамда Лойиҳани амалга ошириш бўйича бошқа харажатлар) «Avtosanoat-Injiniring» МЧЖ томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги;

«Avtosanoat-Injiniring» МЧЖ томонидан автомобилсозлик саноати ходимларини арзон турар жойлар билан таъминлаш мақсадида «Asaka city» мажмуасида бир қатор намунавий кўп квартирали уйларни қуриш ишлари бошлаганлиги;

2021 йилдан бошлаб «Asaka city» мажмуасида объектларни қуриш инвесторларнинг маблағлари, шу жумладан кредитлар, ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон вилояти ҳокимлиги ва «Ўзавтосаноат» АЖнинг Андижон вилояти, Асака тумани, «Чек» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга келиб қолган 53,3 гектар суғориладиган тошлоқ ва унумдорлиги паст бўлган ер майдонида Лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Андижон вилояти ҳокимлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Ка-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

дастр агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга ошириш учун ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ер майдони «Avtosanoat-Injiniiring» МЧЖга ажратилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

«Avtosanoat-Injiniiring» МЧЖ танланган ҳудудда «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида дирекциялар учун қонунчиликда назарда тутилган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси функциялари ва вазифаларини, хусусан буюртмачи функцияларини бажариш, қурилишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда объектлардан фойдаланишни амалга оширади;

инвесторлар «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Avtosanoat-Injiniiring» МЧЖ вакиллари иштирокида Андижон вилояти ҳокимлиги қошидаги «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудида лойиҳалар ташаббускорларини танлаб олиш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссияси томонидан ўтказиладиган энг яхши инвестиция таклифларининг танлови якунлари бўйича жалб қилинади;

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи — дирекция функцияларини бажарувчи юридик шахс, инвесторлар, бош пудрат ташкилотлари ҳамда ташкилотлар-норезидентларга нисбатан «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқ ва божхона имтиёзлари татбиқ этилади;

Лойиҳани амалга ошириш учун суғориладиган ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

4. Андижон вилояти ҳокимлиги:

а) Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва «Ўзбектелеком» АК билан биргаликда:

бир ой муддатда Лойиҳани амалга оширишда муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини ташкил этиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини;

Лойиҳа объектларининг жойлашувига мувофиқ, Андижон вилоятининг маҳаллий бюджети, шунингдек, хизматларни етказиб берувчилар маблағлари ҳисобидан Лойиҳанинг бўлиниш чегарасига қадар зарур муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш ва модернизация қилиш ишлари бажарилишини;

б) суғориладиган ер майдонлари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида Лойиҳа учун ажратилаётган суғориладиган ер майдонига тенг миқдорда янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин.

5. Қурилиш вазирлиги Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудуддаги объектларда қурилиш-монтаж ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда бажарилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 апрель,  
ПҚ-5049-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**147 Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида:

1. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўради;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар ярим йилда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспекторининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш аҳволи бўйича ҳисоботини эшитади ва зарур чораларни белгилайди.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов):

бир ой муддатда бевосита жойларга чиққан ҳолда профилактика инс-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

пекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизимини йўлга қўйсин;

Олий суд (К.Ф. Камилов), Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) ва Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) билан биргаликда бир ой муддатда профилактика инспекторининг маҳалла осойишталигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш ваколатини кенгайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов) ҳамда Олий суд (К.Ф. Камилов) билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказсин ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш амалиётини жорий этсин.

2. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи янги бошқарув тизими жорий этилсин:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу ҳудудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида сафарбар қилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги патруль-пост хизмати батальонлари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бевосита бўйсунувидан чиқарилиб, тўғридан-тўғри туман ички ишлар органлари таркибига ўтказилади ва уларнинг кунлик хизмати маҳаллалар кесимида йўлга қўйилади;

жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда пойтахтдаги барча ички ишлар органлари фаолиятини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари куч ва воситаларининг ягона тезкор бошқаруви Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига, умумий бошқаруви ички ишлар вазири зиммасига юклатилади.

3. Ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг ҳамраислигида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаларининг бошлиқлари Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланади;

Кенгаш йиғилишлари ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади ҳамда уларда пойтахт минтақасида криминоген ва ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш натижасида аниқланган муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш бўйича манзилли чоралар белгиланади.

Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Миллий гвардия кўмондони Р.М. Жўраев мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда Кенгаш таркибини тасдиқласин, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.И. Икромов Кенгаш фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

4. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурида Ягона тезкор бошқарув марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Кўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

пойтахт ҳудудида криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли куч ва воситаларини бошқариш;

жиноят, ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириш.

5. Иш унумдорлигини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлдан бошлаб, шахсларни профилактик ҳисобга олишнинг электрон тизими жорий этилади.

Ички ишлар вазирлиги (Н.С. Турахўжаев, А.И. Икромов):

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А. Пекось) билан биргаликда жорий йилнинг биринчи ярми якунига қадар электрон тизимининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилиши ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига жорий этилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) билан биргаликда бир ой муддатда профилактик ҳисобга олинган шахслар рўйхатини қисқартириш бўйича таклифларни киритсин.

6. Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг «Хавфсиз таълим муассасаси» тамойили асосида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича манзилли чораларни назарда тутувчи кўйидаги таклифлари маъқуллансин:

туман, шаҳар ички ишлар органлари таркибида 2 000 та штат бирликларидан иборат вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог (кейинги ўринларда — инспектор-психолог) лавозимларини жорий этиш ҳамда уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасаларини белгилаш;

инспектор-психологлар зиммасига ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик муҳитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасида қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш вазифаларини юклаш.

Белгилаб қўйилсинки, 2021 йилда умумий ўрта таълим муассасалари-

нинг 2 000 та психолог штат бирлигини жорий йилнинг 1 июлидан қисқартириш эвазига 1 100 та инспектор-психолог штат бирлиги киритилади ва 2022 йилда қўшимча 900 та штат бирлигини киритиш орқали уларнинг сони 2 000 тагача етказилади.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2021 йил 1 декабрга қадар қўшимча киритилаётган 900 та инспектор-психолог штат бирлигини молиялаштириш манбаларини аниқласин.

Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (А.И. Икрамов) 2021 йил 1 сентябрга қадар инспектор-психологлар учун умумий ўрта таълим муассасаларида махсус жиҳозланган хизмат хоналарини ташкил этиш чораларини кўрсин, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасига уларнинг фаолиятини тартибга солувчи низомни ва самарадорлик индикаторларини тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда — Жазони ижро этиш департаменти) тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ички ишлар вазирлиги (Н.С. Турахўжаев, Р.А. Турсунов) 2021 — 2023 йиллар давомида жазони ижро этиш тизимини рақамлаштириш орқали соҳада инсон омилини истисно этиш ва жазони ўташнинг тартиботини таъминлаш мақсадида:

жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида қатъий интизом ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, маҳкумларни сақлаш ҳолати устидан назорат олиб бориш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш;

жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар, шу жумладан уларнинг қариндошлари томонидан қонун билан тақиқланмаган буюмларни эркин бозор механизмларига асосланган электрон дўконлар орқали сотиб олиш имкониятини яратиш;

маҳкумларни қайта тарбиялашнинг тактикасини тўғри белгилаш ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг барвақт олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги маълумотлар электрон базасини юритиш ва унинг асосида маҳкумларни тақсимлаш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш чораларини кўрсин.

8. Маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш орқали қайта тарбиялаш ва соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида мавжуд штат бирликлари доирасида қуйидаги лавозимлар киритилсин:

Жазони ижро этиш департаменти бошлигининг ахборот технологиялари ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўринбосарлари;

жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўринбосари.

Белгилансинки:

жорий этилаётган лавозимларга ишлаб чиқариш, маркетинг ва ахборот технологиялари бўйича мутахассисликка ҳамда зарур тажрибага эга шахслар тайинланади, шунингдек, уларга меҳнат бозори конъюнктурасидан ке-

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

либ чиқиб, Жазони ижро этиш департаментининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча тўловлар амалга оширилади;

жазони ижро этиш муассасалари ҳузуридаги давлат унитар корхоналари жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс ҳисобланмаган ва бюджетдан ташқари фаолиятни амалга оширадиган ишлаб чиқариш бўлинмалари сифатида қайта ташкил этилади;

жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан келиб тушадиган маблағлар мазкур соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва талаб юқори бўлган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилади.

9. Вазирлар Маҳкамаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил якунига қадар ички ишлар органлари фаолиятига рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг электрон маълумотлар базаларини ягона платформа негизида бирлаштириш асосида «E-ichki ishlar organlari» марказлашган ахборот тизимини яратиш;

ички ишлар органларининг барча ахборот тизимларини интеграция қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг Маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш.

Ички ишлар вазирлиги (Н.С. Турахўжаев) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А. Пекось) билан биргаликда бир ой муддатда ички ишлар органларининг фаолиятини босқич-ма-босқич тўлиқ рақамлаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

10. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Концепцияни амалга ошириш доирасида:

ички ишлар органлари ходимларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ишлари «Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз!» концептуал ғояси асосида ташкиллаштирилади;

ички ишлар органларининг ходимларида мамлакатда тинчлик ва озо-йишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби олий масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ҳар бир ҳудудий ички ишлар органларида «ватанпарварлик бурчаги» ташкил этилади;

маънавий-маърифий ишлар ички ишлар органлари шахсий таркиби билан ишлаш соҳасининг устувор йўналиши сифатида белгиланади.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Республика маънавият ва маърифат маркази (М.М. Хожиматов) бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни юқори савияда ташкил этиш чораларини кўриб борсин.

11. Белгилансинки, мазкур қарор билан амалга оширилаётган ташки-

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



лий-штат ўзгаришларига мувофиқ ички ишлар органлари ходимларининг тизимда эгаллаб турган лавозими бўйича пул таъминоти ва ижтимоий имтиёзлар улар лавозимга қайта тайинлангунига ёки пенсияга чиққунига қадар, бироқ уч ойдан кўп бўлмаган муддатга сақлаб қолинади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга мувофиқ харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритсин;

икки ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

## **Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 апрель,  
ПҚ-5050-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги  
ПҚ-5050-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3200-сон қарориди:

2-банд ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-бандда:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда — Жазони ижро этиш департаменти)нинг Марказлаштирилган жамғармасини ташкил этиб, уни шакллантириш манбалари сифатида жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик фаолияти, улар томонидан хизматлар кўрсатиш эвазига олинадиган фойдаси ҳисобидан Жазони ижро этиш департаменти томонидан белгиладиган миқдордаги ажратмаларни, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбаларни белгилаш»;

тўртинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6-банд «б» кичик бандининг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Жазони ижро этиш бош бошқармаси» сўзлари «Жазони ижро этиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг олтинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

9-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги «Жазони ижро этиш бош бошқармаси», «жазони ижро этиш муассасалари ва уларнинг ташкилотлари», «жазони ижро этиш муассасалари ва улар ташкилотларининг», «Жазони ижро этиш бош бошқармасининг» деган сўзлар тегишлича «Жазони ижро этиш департаменти», «жазони ижро этиш муассасалари», «жазони ижро этиш муассасаларининг», «Жазони ижро этиш департаментининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-бандда «Жазони ижро этиш бош бошқармаси» сўзлари «Жазони ижро этиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3413-сон қарорида:

1-иловада:

144-банднинг «л» кичик бандида «жиноят» деган сўз «содир этган жиноят» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

155-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«155. Ушбу Низомнинг 144-банди «л» кичик бандига асосан ички ишлар органлари хизматидан бўшатишган шахсларни хизматга тиклаш суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори ёки Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг қарори асосида амалга оширилади.

Қолган барча асосларга кўра ички ишлар органлари хизматидан бўшатишган шахсларни хизматга тиклаш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири қарори билан амалга оширилади.

Тикланиши лозим бўлган шахсларни шахсий таркиб рўйхатига кириштириш ва лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири қарори билан амалга оширилади»;

156-банднинг биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида «уч» сўзи «бир» сўзи билан алмаштирилсин;

2-илованинг 31-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари — департамент бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда таълим муассасалари бошлиқлари, шунингдек уларга тенглаштирилган раҳбарлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ–3528-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошисидан, 6-бандининг олтинчи хатбошисидан, 9-бандининг еттинчи хатбошисидан ва 22-бандининг иккинчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — » деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги «Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4138-сон қарорида:

1-банднинг еттинчи хатбошисидан «ҳузуридаги давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — унитар корхоналар)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-бандда «унитар корхоналар» сўзлари «жазони ижро этиш муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

биринчи хатбошисида «унитар корхоналарга» сўзлари «жазони ижро этиш муассасаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш бўлинмаларига юқори малакали менеджер (мутахассис)ларни, шу жумладан иш ҳақини меҳнат бозоридаги амалдаги конъюнктурани инобатга олган ҳолда белгилаш орқали уларни жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўринбосари лавозимига тайинлаш имконияти билан жалб қилиш»;

4-бандда «Жазони ижро этиш бош бошқармаси», «унитар корхоналарда» ва «унитар корхоналарнинг» деган сўзлар тегишлича «Жазони ижро этиш департаменти», «жазони ижро этиш муассасаларида» ва «жазони ижро этиш муассасаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш департаменти тарбия колонияси ҳузурида ота-оналар кенгашини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин ва унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:»;

7 ва 10-бандларда «унитар корхоналарнинг», «унитар корхоналар» ва

«унитар корхоналарни» деган сўзлар тегишлича «жазони ижро этиш муассасаларининг», «жазони ижро этиш муассасалари» ва «жазони ижро этиш муассасаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг «г» кичик бандида «Жазони ижро этиш бош бошқармасининг» деган сўзлар «Жазони ижро этиш департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–4342-сон қарорида:

4-банд қуйидаги мазмундаги «и» кичик банд билан тўлдирилсин:

«и) 2021 йил 1 майдан бошлаб ички ишлар органлари тарбия колонияси ҳузуридаги 35-сон умумий ўрта таълим мактаби филиали ўқитувчилари ва тарбия колониясининг тарбиячиларига, шу жумладан шаҳодатланган таркибга мансуб тарбиячиларига ҳам амалдаги устама ҳақлар ва тўловлардан қатъи назар, алоҳида меҳнат шароитлари учун тегишлича базавий тариф ставкасининг ва лавозим маошининг 75 фоизи миқдорида қўшимча ойлик устама ҳақ тўлаб берилади»;

12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Белгилансинки:

вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар вояга етмаганларни республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун судга юборилган илтимосномаларнинг асослантирилганлиги бўйича масъулдирлар;

ички ишлар органлари тарбия колонияси ҳузуридаги 35-сон умумий ўрта таълим мактаби филиали ўқитувчилари ва тарбия колониясининг тарбиячиларига, шу жумладан шаҳодатланган таркибга мансубларига ҳам, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг ходимлари учун белгиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва бошқа ижтимоий ҳимоя турларининг оширилиши шартлари татбиқ этилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ–4343-сон қарорининг 8-бандида «50» рақами «100» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**148 Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг моддий-техника базасини кенгайтириш орқали аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишлар сифатини ошириш, маҳалла ва қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларни янада жадаллаштириш мақсадида:

1. 2021 — 2023 йилларда давлат органлари ва корхоналари томонидан енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, уларнинг расмий дилерлари ҳамда дистрибьюторларидан харид қилиш кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — кўрсаткичлар) 1 ва 2-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, кўрсаткичлар, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутди:

2021 — 2023 йилларда давлат органлари томонидан жами 2 770 та техникалар харид қилиниши ва ушбу мақсадлар учун 1,934 трлн сўм, шу жумладан Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан — 1,202 трлн сўм, республика бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан — 500,5 млрд сўм, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан — 231,6 млрд сўм йўналтирилиши;

2021 — 2023 йилларда давлат корхоналари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан жами 1 488 та техникалар харид қилиниши ва ушбу мақсадлар учун 1,236 трлн сўм йўналтирилиши.

Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Д.А. Кучкаровга кўрсаткичларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

кўрсаткичларда назарда тутилган енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари ҳамда дистрибьюторларидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ сотиб олинади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижросини таъминлашда зарур бўлган махсус техникаларни харид қилиш учун ҳудудий ободонлаштириш бошқармаларига 2021 йилда қўшимча 108,8 млрд сўм маблағ ажратилади;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туман (шаҳар)лардаги ички йўллар ва марказ кўчаларини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш дастурлари ижросини таъминлашда зарур бўлган махсус техникаларни харид қилиш учун Автомобиль йўллари қўмитасига 2021 йилда қўшимча 196,2 млрд сўм маблағ ажратилади.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) кўрсаткичларда назарда тутилган энгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда харид қилиш мақсадида:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда республика бюджетидан қўшимча 500,5 млрд сўм маблағ ажратилишини таъминласин;

2022 ва 2023 йиллар учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

5. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Ш.С. Хидоятлов), Автомобиль йўллари қўмитаси (А.А. Абдувалиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорга мувофиқ харид қилинаётган автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг бутлиги, яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўрсин, тегишли давлат органлари ва ташкилотларга ушбу воситалар ва техникалардан тўғри фойдаланиш бўйича зарур амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб борсин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров):

тегишли вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари билан биргаликда давлат органлари ва корхоналари томонидан харид қилинадиган энгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда харид қилиш устидан доимий мониторинг олиб борсин;

«Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзстандарт» агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишлар сифатини ошириш, маҳалла ва қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш бўйича лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун энгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари, шу жумладан ускуналар, бутловчи маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш (ўзлаштириш) бўйича зарур чоралар кўрсин;

«Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда энгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва уларга турли хил сервис хизматларини кўрсатиш тизимини йўлга қўйсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Д.А. Кучкаров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбе-

кистон Республикаси Президентига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 апрель,  
ПҚ-5052-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**149 Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида\***

Давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий бозор механизмлари жорий этилиши, давлат органларида соҳага оид бўлмаган вазифаларнинг қисқартирилиши, улар фаолиятига рақамли технологияларнинг жорий этилиши, шунингдек, давлат функцияларини амалга оширишга хусусий секторнинг жалб қилиниши каби йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг штат бирликларини қисқартириш ва тузилмасини мақбуллаштириш бўйича Республика комиссиясининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) 2021 йил 1 майдан бошлаб:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг сонини 15 фоизгача мақбуллаштириш ҳамда уларнинг янгиланган чекланган сонини 1-иловага\*\* мувофиқ белгилаш;

вазирлик ва идораларнинг раҳбар ўринбосарлари лавозимларини 2-иловага\*\* мувофиқ қисқартириш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) Капитал бозорини ривожлантириш агентлигини тугатиш ва унинг барча вазифа, функция ва ваколатларини Молия вазирлигига бериш.

2. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини киритсин:

Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мол-мулкни Молия вазирлигига ўтказиш;

тугатилаётган Агентликнинг халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларини, улар билан келишилган ҳолда, кейинчалик амалга ошириш механизмини белгилаш;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг ваколатлари Молия вазирлигига ўтказилиши ҳисобига унинг фаолиятини кенгайтириш.

3. Мазкур қарорнинг иловаларида кўзда тутилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари:

бир ҳафта муддатда марказий аппарат ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар ходимлари сонини мақбуллаштириш бўйича комиссиялар ташкил этсин ҳамда қисқартириладиган лавозимлар рўйхатини тасдиқласин;

штат бирликлари қисқартирилаётган ходимлар билан муносабатларда меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий амал қилиниши ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслигини таъминласин;

штат бирликларини мақбуллаштириш натижасида функционал мажбуриятларнинг қайта тақсимланишини ҳисобга олиб, 2021 йил 1 майга қадар бошқарув ходимларининг лавозим йўриқномаларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда штат бирликлари қисқартирилган ходимларни иш билан таъминлашга қўмаклашиш чораларини кўрсин.

5. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2021 йил 15 майга қадар:

вазирлик, идоралар ва бошқа бюджет ташкилотларининг штат жадвалларини ушбу қарор билан белгиланган бошқарув ходимларининг чекланган сонига ва ёрдамчи ходимлар сонининг белгиланган меъёрларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, юқори самарали меҳнатга интилишни кучайтириш, ходимларнинг ўз касб даражасини оширишдан манфаатдорлигини таъминлашни назарда тутувчи меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизимини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов), Молия вазирлиги (О.З. Насритдинходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов) устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда бўлган хўжалик жамиятлари акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишида, шунингдек, давлат корхоналари бошқарув органларида камида бир нафардан ўринбо-



сари лавозимларини қисқартириш, шунингдек, бошқарув ходимлари сонини 10 фоиз миқдорида мақбуллаштириш ташаббуси билан чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги (О.А. Хасанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов), Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда давлат бошқаруви органларида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этиш;

маъмурий ислохотлар доирасида давлат органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини, шунингдек, бир-бирини такрорловчи функция ва вазифаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда давлат органлари сонини қисқартириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тузилмаси ҳамда бошқарув ходимлари сонини қайта кўриб чиқиш;

б) 2021 йил 1 сентябрга қадар ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига (КРІ) эришилганлиги натижаларини рейтинг баҳолашни амалга ошириш учун махсус дастурий мажмуа ишлаб чиқилишини ҳамда давлат органларида босқичма-босқич жорий этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 августга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 апрель,  
ПҚ-5053-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**150 Патент вакилликига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакиллари аттестациядан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3203-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПҚ–4965-сон «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 декабрдаги 538-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3203, 2019 йил 13 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2019 й., 10/19/3203/4155-сон) билан тасдиқланган Патент вакилликига номзодларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакиллари аттестациядан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 март,  
4-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги  
4-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Патент вакилликка номзодларни аттестациядан ва  
рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакиллари  
аттестациядан ўтказиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Малака комиссияси:

а) малака имтиҳони саволларини тасдиқлайди;

б) малака имтиҳонини ўтказди;

в) номзод ёки патент вакилини аттестациядан ўтказиш ёхуд аттестациядан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.»

2. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Малака имтиҳони жараёни аудио ва видеоёзувда ёзилади, шунингдек Агентликнинг расмий веб-сайтида реал вақт режимида трансляция қилинади.»

3. 20-банд «малака комиссиясига» деган сўзлардан кейин «электрон шаклда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 22-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги белги мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картаси нусхаси;».

5. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Патент вакили мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида келтирилган шаклдаги аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги аризани малака комиссиясига электрон шаклда топширади.

Аризага Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги белги мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-картаси нусхаси, малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисида сертификат нусхаси ва аттестациядан ўтказиш учун белгиланган тўлов тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат илова қилинади.»

6. Қуйидаги мазмундаги 23<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«23<sup>1</sup>. Электрон шаклда тақдим этилган ариза ва унга илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуктадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатлар «PDF» (portable document format) форматида сканер қилинган ҳолда жўнатилади.

Ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида номзод ёки патент вакили-

га унинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили орқали маълум қилинади.».

7. 24 ва 25-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Номзод ёки патент вакили Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходими бўлганда, шунингдек, мазкур Қоидалар 22-бандининг «а» — «в» кичик бандлари ва 23-бандида белгиланган ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда малака имтиҳонига қўйиш рад этилади. Бошқа асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

25. Номзод ёки патент вакилини малака имтиҳонига қўйиш ёки малака имтиҳонига қўйишни рад этиш ҳақида қарор малака комиссияси раиси томонидан қабул қилинади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб, ўн иш куни мобайнида номзод ёки патент вакилига малака имтиҳонига қўйилгани ёки малака имтиҳонига қўйиш рад этилгани ҳақида унинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили бўйича билдиришнома йўлланади.».

8. 26-бандда «аттестациядан ўтказишга рухсат берилгани» деган сўзлар «имтиҳонга қўйилгани» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 27-банд «муддат аввал» деган сўзлардан кейин «унинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Номзод ёки патент вакили малака имтиҳони давомида интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳимоя ва муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун Агентлик томонидан тасдиқланган дастурга мос равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари соҳасида зарур билимларга эга эканини кўрсатиши лозим.

Малака имтиҳони суҳбат шаклида ўтказилади.».

11. Қуйидаги мазмундаги 29<sup>1</sup> — 29<sup>5</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«29<sup>1</sup>. Малака имтиҳони саволлари қуйидаги йўналишлар бўйича тузилади:

интеллектуал мулк ҳуқуқига оид умумий қоидалар;

саноат мулкига оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги;

саноат мулки соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари.

Малака комиссияси томонидан тасдиқланган саволлар Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

29<sup>2</sup>. Малака имтиҳони саволлари мазкур Қоидаларнинг 29<sup>1</sup>-бандида белгиланган йўналишлардан шакллантирилади. Бунда саноат мулкига оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда саноат мулки соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари йўналишларидаги саволлар номзод аризасида келгусидаги фаолияти учун кўрса-

тилган ихтисосликка ёки патент вакилининг ихтисослигига мос бўлиши лозим.

Агар айрим ихтисосликларга бевосита тааллуқли Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мавжуд бўлмаса, тегишли саволлар Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига (1883 й.) мос бўлиши керак.

Ихтисослик қўйидаги интеллектуал мулк (саноат мулки) объектлари бўйича белгиланади:

ихтиро ва фойдали моделлар;

саноат намуналари;

товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари;

селекция ютуқлари;

интеграл микросхемалар топологиялари.

29<sup>3</sup>. Номзод ёки патент вакилига саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўришлари учун 30 дақиқа вақт ажратилади.

Номзод ёки патент вакилига икки ва ундан ортиқ ихтисослик бўйича саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўришлари учун ҳар бир қўшимча ихтисослик учун 15 дақиқа вақт ажратилади.

29<sup>4</sup>. Малака имтиҳонини ўтказиш жараёнида номзод ёки патент вакилига қўйидагилар тақиқланади:

алоқа ва телекоммуникация воситалари (телефон, компьютер, планшет ва бошқалар), китоб ҳамда шпаргалкаларни олиб кириш;

бошқа номзод ёки патент вакиллари билан суҳбатлашиш;

имтиҳон тугамасдан хонадан ташқарига чиқиш.

Номзод ёки патент вакилининг мазкур қоидаларга амал қилмаслиги уни имтиҳонда қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва малака комиссияси аъзоларининг камида уч нафари томонидан имзоланади.

Малака имтиҳонини қатнашишдан четлаштирилган номзод ёки патент вакили аттестациядан ўтмаган деб топилади.

29<sup>5</sup>. Тайёргарлик кўриш учун берилган вақт тугагандан сўнг номзод ёки патент вакили ўзига берилган саволлар бўйича комиссия аъзоларига жавоб беради.

Комиссия аъзолари айрим жавобларни аниқлаштириш мақсадида қўшимча саволлар бериши мумкин.

Номзод ёки патент вакили саволларга жавоб бериб бўлганидан сўнг, унга хонадан чиқишига рухсат берилади.».

12. 30 — 32-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Малака комиссияси суҳбат натижасига кўра номзод ёки патент вакилини аттестациядан ўтказиш ёки аттестациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Номзод ёки патент вакили икки ва ундан ортиқ ихтисослик бўйича имтиҳон топширган тақдирда барча ихтисосликлар бўйича умумий суҳбат натижаси аниқланади ва ягона қарор қабул қилинади.

Малака имтиҳонига қўйиш рад этилган тақдирда малака комиссияси томонидан номзод ёки патент вакилини аттестациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

31. Малака комиссияси қарори икки нусхада тузилади. Қарорнинг бир нусхаси малака имтиҳони ўтказиш жараёни қайд этилган аудио ва видео-ёзувлар ёзилган сақлаш қурилмалари билан бирга аттестациядан ўтказишга оид ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади, иккинчи нусхаси эса, номзод ёки патент вакилига унинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили бўйича жўнатилади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

рақами ва қабул қилинган санаси;

иштирок этган комиссия аъзолари рўйхати;

аттестациядан ўтказилган ёки аттестациядан ўтказиш рад этилган номзод ёки патент вакилининг рўйхати;

комиссия қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги.

Қарор малака имтиҳони ўтказилган куннинг ўзида имтиҳонда иштирок этган номзод ёки патент вакилларига ўқиб эшиттирилади.

32. Номзод ёки патент вакили аттестациядан ўтказишнинг, шу жумладан малака имтиҳонига қўйишнинг рад этилгани юзасидан у аттестациядан ўтказиш рад этилгани тўғрисидаги қарорни олган санадан бошлаб 3 ой муддатда апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин.

Апелляция комиссияси шикоят бўйича у олинган санадан бошлаб 1 ой муддатда қарор қабул қилади ва бунда:

малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш;

малака комиссиясининг қарорини ўзгартириш ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.».

13. 33-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Патент вакилини рўйхатдан ўтказиш ва уни реестрга киритиш қуйидаги ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг 23<sup>1</sup>-банди талабларига мувофиқ электрон шаклда тақдим этилганда амалга оширилади:»;

«б» кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

14. 34-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Кўрсатилган маълумотлар реестрда рўйхатдан ўтказилган кунда Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.».

15. 35-банднинг «ж» кичик бандидаги «телефон ва факс рақамлари» деган сўзлар «телефон рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 39-бандда:

биринчи хатбошидаги «ахборотномасида» деган сўз «ахборотномаси ва веб-сайтида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

«е» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) иш жойи ва лавозими ёки бошқа ёлланиш бўйича иши тўғрисида маълумотлар.».

17. 40-банд «ахборотномада» деган сўздан кейин «ва веб-сайтида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

18. 6-боб қуйидаги мазмундаги 41<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«41<sup>1</sup>. Номзод ва патент вакиллари аттестациядан ўтказиш, патент вакиллари рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, гувоҳномалар бериш, қўшимча аттестация ўтказиш, реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун тўловлар миқдори мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ белгиланади.».

19. 1 — 4-илвалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга 1 — 4-илваларга\* мувофиқ тахрирда баён этилсин.

20. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга 5-иловага\* мувофиқ 5-илова билан тўлдирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **151** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида\*\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3292*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти 1-иловага мувофиқ;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норма-

---

\* Иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 мартда эълон қилинган.

тив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот шакллари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 31 март,  
7-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2021 йил 30 мартдаги  
7-мҳ-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул  
қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга  
солиш таъсирини баҳолаш  
УСЛУБИЁТИ**

Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг (бундан буён матнда норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб юритилади) тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнларини услубий жиҳатдан тартибга солинишни белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ишлаб чиқувчи** — лойиҳани ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказувчи давлат органи ва ташкилоти;

**манфаатдор томонлар** — ўрганилаётган муаммо ёки таклиф этилаётган тартибга солиш доирасига тушадиган жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бошқаруви органлари;

**миқдорий кўрсаткичлар** — маълум иқтисодий ёки жисмоний моҳиятга эга бўлган, сон сифатида ифодаланадиган кўрсаткичлар. Бунга, барча молиявий ва бозор кўрсаткичлари (даромад, соф фойда, доимий ва ўзгарувчан харажатлар, сотиш ҳажми, бозор улуши ва бошқалар), қиймат бирли-

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ги, вазн ва оғирлик, узунлик ва бошқа воситалар билан ўлчанадиган кўрсаткичлар киради;

**сифат кўрсаткичлар** — харажат, миқдор, вазн ва оғирлик, узунлик, самарадорлик ва бошқа ўлчовларнинг аниқ бирликлари билан ўлчаш қийин бўлган кўрсаткичлар. Улар, қоида тариқасида, одамларнинг маълум фактлар, ходисалар, уларнинг афзалликлари ва баҳоларига муносабатини акс эттиради. Сифат кўрсаткичлар фоизлар билан ҳам ўлчанади;

**тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот** — лойиҳа ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан ўтказилган тартибга солиш таъсирини баҳолаш яқунлари бўйича ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланадиган ҳужжат;

**тартибга солиш таъсирини баҳолаш** — лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, самарадорлигини ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган оқибатларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**фойда** — лойиҳа ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши муносабати билан манфаатдор томонларга келиши мумкин бўлган (келган) ҳар қандай шаклдаги фойда ёки даромад;

**харажатлар** — лойиҳа ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши муносабати билан манфаатдор томонларга келтирилиши мумкин бўлган (келтирилган) харажатлар.

2. Мазкур Услубиётда қўлланиладиган фойда (шу жумладан, бевосита ёки билвосита фойда) ва харажат (шу жумладан, бевосита, билвосита ҳамда маъмурий харажат) атамаларининг мазмуни бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган шундай атамалар мазмунидан фарқланади ва фақат тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида қўлланилади.

3. Ишлаб чиқувчи томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш, шунингдек тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни тўлдириш ушбу Услубиёт асосида амалга оширилади.

4. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

«ex-ante» — лойиҳани тартибга солиш таъсирини баҳолаш;

«ex-post» — ретроспектив таҳлил (реал маълумотлар) асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан жорий этилган тартибга солиш воситасининг таъсирини ўрганиш.

5. «Ex-ante» усулини қўллашда қуйидагилар амалга оширилади:

тартибга солиниши керак бўлган муаммони таҳлил қилиш;

тартибга солиниши керак бўлган соҳада давлат аралашувининг заруратини (сабабларини) аниқлаш;

тартибга солиш орқали эришилиши лозим бўлган мақсадларни белгилаш;

муаммони ҳал қилишда муқобил усулларни ўрганиш, уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликларини аниқлаш ва танланган муқобил усулни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;

фойда ва харажатлар таҳлили ёрдамида лойиҳанинг манфаатдор томонларга таъсирини баҳолаш;

лойиҳанинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилиш;

лойиҳа қабул қилинишидан қутилаётган натижаларни аниқлаш;

тартибга солиш мақсадларига эришиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаш;

лойиҳани жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва натижалари асосида уни такомиллаштириш;

лойиҳанинг амал қилиши таклиф қилинган даврини асослаш (амал қилиш муддати мавжуд бўлганида).

6. «Ex-post» усулини қўллашда қуйидагилар амалга оширилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат таъсир кўрсатган манфаатдор томонларни таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ўрнатилган тартибга солиш воситасининг натижадорлиги, мақсадларига эришилганлиги ҳамда унинг қўлланилиши натижасида вужудга келган ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш;

тартибга солиш воситасининг самарадорлигини ўрганиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ўрнатилган тартибга солиш воситасининг амал қилиши мақсадга мувофиқлиги ёки уни бекор қилиш зарурлигини ўрганиш;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида уни такомиллаштириш.

## **2-боб. «Ex-ante» усули бўйича тартибга солиш таъсирини баҳолаш**

### **1-§. Тартибга солиниши керак бўлган муаммони таҳлил қилиш**

7. Муаммо тўғрисида маълумотлар аниқ шакллантирилиши, тавсифланиши, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутган ҳолда таҳлил қилиниши лозим:

муаммо вужудга келган соҳа;

соҳанинг ҳуқуқий тартибга солинганлик ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти;

муаммо таъсир кўрсатаётган объектлар ва/ёки субъектлар;

муаммонинг мавжудлиги сабабли келиб чиққан (чиқиши мумкин бўлган) салбий оқибатлар;

муаммога оид статистик маълумотлар ҳамда бошқа миқдорий ва сифат кўрсаткичлар (мисол учун, ушбу соҳада муаммо мавжудлиги сабабли 1,5 мингта қонун бузилишлар содир этилган бўлиб, 500 млн сўм миқдорда жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказилган);

соҳада рақобат муҳитининг ҳолати;

тартибга солинаётган соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар ва ҳ.к.

8. Муаммони тавсифлаш учун фойдаланилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш имкони бўлиши лозим.

## **2-§. Тартибга солиниши керак бўлган соҳада давлат аралашувининг заруратини (сабабларини) аниқлаш**

9. Тартибга солиниши керак бўлган соҳада давлат аралашувининг зарурати асосан қуйидаги сабабларни ўз ичига олиши мумкин:

а) бозордаги муваффақиятсизлик (масалан: бозор нархлари жамият учун реал харажатлар ва фойдаларни акс эттирмайди; жамоат маҳсулотлари билан таъминланишнинг етарли эмаслиги; рақобат муҳити етарли эмаслиги; ахборот етишмовчилиги (масалан, истеъмолчилар учун маълумот олиш имконияти чекланганлиги ёки умуман йўқлиги);

б) тартибга солишнинг самарасизлиги (масалан, жамоат манфаатларига мос келмайдиган амалдаги тартибга солиш воситаси);

в) аҳолининг саломатлиги ва/ёки жамият хавфсизлиги учун хавф-хатар;

г) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

## **3-§. Тартибга солиш орқали эришилиши лозим бўлган мақсадларни белгилаш**

10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад аниқ ва лўнда белгилаб олиниши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсаднинг тўғри белгиланиши мазкур ҳужжат нормаларининг муваффақиятли татбиқ этилишини баҳолаш ва мақсадга эришиш йўлларини аниқ белгилаб олишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

11. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсад қуйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

аниқ бўлиши — аниқ мақсад норматив-ҳуқуқий ҳужжатни турли талқин этилишининг олдини олади;

ўлчовли бўлиши — мақсад ўлчовли ва татбиқ этилиши даражасини тасдиқловчи ҳолат сифатида тавсифланиши зарур;

мақбул бўлиши — агар мақсад ва унга эришиш усули жисмоний ва юридик шахсларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатишни назарда тутса, бундай таъсир мақсадга эришиш жараёнида иштирок этаётган барча учун мақбул, тушунарли ҳамда аниқ ва лўнда ифодаланган бўлиши лозим;

чекланган вақт оралиғида бажариладиган бўлиши — асосий ва оралик мақсадларга эришиладиган вақт аниқ белгилаб олинган бўлиши керак.

12. Лойиҳани қабул қилишдан кўзланган мақсад қуйидаги гуруҳларга бўлинган ҳолда белгиланади:

а) умумий мақсад — норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишнинг якуний натижасини белгилаб беради (масалан, иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва бошқалар);

б) махсус мақсад — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг объекти ҳисобланиб, умумий мақсадга эришиш учун зарур шарт-шароит яратади (масалан, юридик шахсларнинг солиқ мажбуриятларини қисқартириш орқали тадбиркорлик фаолиятининг фаоллашуви ва аҳолининг фаровонлик даражаси ўсишига эришиш);

в) тезкор мақсад — жорий вазифаларни ҳал қилиш ва махсус мақсадга эришишга хизмат қилади (масалан, давлат органи даражасида тартибтаомилларни соддалаштириш орқали тадбиркорлик фаолияти субъектлари харажатларининг қисқартирилишига эришиш).

#### **4-§. Муқобил усулларни аниқлаш**

13. Тартибга солиш мақсадига эришишга хизмат қиладиган турли хил усулларни кўриб чиқиш лозим. Ушбу усулларнинг салбий жиҳатлари, мувофиқлик даражаси, амалга татбиқ қилишнинг осонлиги, шунингдек ноўя таъсирлари инobatга олинган ҳолда баҳоланади.

14. Муқобил усулларни аниқлашда ноаниқ ва амалга ошириши мавҳум бўлган вариантлар қўлланилмаслиги зарур.

15. Тартибга солишнинг бошқа муқобил воситалари ўрганилганида, қўшимча равишда қуйидаги муқобил усуллар мажбурий тартибда кўриб чиқилиши керак:

ҳеч қандай чора қўлламаслик — таклиф қилинаётган муқобил усул билан амалдаги вазиятнинг сақлаб қолиниши назарда тутилиши керак;

ўзини-ўзи бошқариш — тартибга солиниши кутилаётган соҳани тадбиркорлик субъектлари ва/ёки уларнинг бирлашмалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари орқали бошқариш.

16. Муаммонинг ечими сифатида танланган, шунингдек бошқа муқобил усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари аниқ далил ва рақамлар билан асослантирилган ҳолда батафсил ёритилади.

17. Муаммонинг ечими сифатида танланган усулнинг муқобил усуллардан самарадорлиги, муаммо ечимига тез ва сифатли эришилиши, танланган тартибга солиш усулининг муқобил усулларга нисбатан келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатлари хавфининг камлиги ва бошқа шу каби далил билан асослантирилиши лозим.

#### **5-§. Фойда ва харажатлар таҳлили**

18. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда фойда ва харажатлар таҳлили қўлланилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда манфаатдор томонларнинг харажатлари ва фойдалари ҳисоблаб чиқилади.

Фойда ва харажатлар таҳлилини амалга оширишда миқдорий кўринишда

ифодалаш мураккаб ёки имконсиз бўлган фойда ва харажатларнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш амалга оширилади, бу ҳақида тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботнинг тегишли майдонларида миқдорий баҳолашни амалга оширишнинг имкони йўқлиги асослари, шу жумладан мавжуд чекловлар кўрсатилади.

19. Харажатлар қуйидагиларга гуруҳланади:

а) бевосита харажатлар — манфаатдор томонларга тартибга солиш натижасида юзага келган (келиши мумкин бўлган) тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи мажбуриятлар. Бундай харажатларга лицензия учун давлат божи, рўйхатдан ўтиш, ариза бериш учун тўловлар, тартибга солиш талабларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар киради;

б) билвосита харажатлар — тартибга солиш талабларига риоя қилиш учун сарфланган бевосита харажатлардан ташқари барча харажатлар (мисол учун: меҳнат қилиш учун хавфсиз шароитлар таъминланиши билан боғлиқ харажатлар; экологик талабларга риоя этиш учун ускуналар сотиб олиш);

в) маъмурий сарф-харажатлар — ахборот мажбуриятларини бажариш учун тадбиркорлар амалга ошириши керак бўлган маъмурий фаолият харажатлари (мисол учун: меҳнат шароитлари тўғрисида йиллик ҳисобот; ускуна ўрнатиш бўйича ҳужжатлар ва ҳ.к.).

20. Бевосита харажатларни ҳисоблашда тартибга солиш воситасининг жорий этилиши натижасида тўлов мажбуриятлари юзага келадиган манфаатдор томонлар сони, тўловнинг даврийлиги (йилда бир марта = 1; йилда икки марта = 2; икки йилда бир марта = 0,5 ва ҳ.к.) ҳамда тўлов бирлиги қиймати аниқланади ва ушбу параметрлар кўпайтирилади.

21. Билвосита харажатларни ҳисоблашда тартибга солиш мажбуриятларига амал қилиши керак бўлган манфаатдор томонлар сони, ходимларни ўқитиш, ускуна сотиб олиш ёки бошқа харажатларнинг бирлик қиймати ва сони кўпайтирилади.

22. Маъмурий сарф-харажатларни ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

маъмурий ҳаракат юки = нарх Ч миқдор, бунда нарх ва миқдор қуйидагича аниқланади:

нарх = тариф Ч сарфланган вақт;

миқдор = талаблар тегишли бўлган корхоналар миқдори Ч амалга оширилган вақт оралиғи.

Бунда:

тариф — амалга оширилган меҳнат учун, қоида тариқасида, соатбай меҳнатга ҳақ, шунингдек иш вақтидан ташқари амалга оширилган қўшимча иш, касаллик ёки меҳнат таътиллари учун тўловлар, қўшимча харажатлар (материаллар, хизмат сафарлари, алоқа воситалари ва бошқалар) ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар (агар маъмурий ҳаракатлар учун воситачи ёлланса) йиғиндисидан иборат;

сарфланган вақт — маъмурий ҳаракатни амалга ошириш учун зарур

бўлган вақт ҳисобланиб, ҳужжатларни тайёрлаш, давлат идораларига бориш учун сарфланган вақт (зарурият туғилганда), навбат кутиш, қабул вақти ва ҳақ тўланадиган дам олиш вақтини ўз ичига олади;

миқдор — чекловлар жорий этилган корхоналарнинг умумий сони ва йил давомида амалга ошириладиган жараёнлар сонининг кўпайтмасини ифодалайди.

23. Фойда қуйидагиларга гуруҳланади:

а) бевосита фойда — тартибга солиш воситаларини жорий этилиши (этилганлиги) натижасида юзага келиши мумкин бўлган (келган) ҳар қандай фойда ва даромадлар.

б) билвосита фойда — тартибга солиш натижасида учинчи шахсларга келиши мумкин бўлган (фуқаролар соғлиғи, хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ) ижобий таъсир ҳисобланиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, рақобатбардошлилик ва самарадорлик кўрсаткичлари каби кенг макроиктисодий манфаатлар.

24. Ҳар хил даврлар учун фойда ва харажатларни таққослаш зарур бўлганда, стандарт харажатлар моделидан фойдаланган ҳолда соф жорий қиймат (NPV) ҳисоблаб чиқилади.

Фойда ва харажатлар ўртасидаги тафовут соф фойданинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Соф жорий қиймат (NPV) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$NPV = \sum_{t=1}^n (B_t - C_t) / (1 + r)^t, \text{ бунда:}$$

$B_t$  —  $t$  — давр оралиғида тартибга солувчи нормаларни жорий этишдан олиннадиган эҳтимолий фойда;

$C_t$  —  $t$  — давр оралиғида тартибга солувчи нормаларни жорий этиш учун қилинадиган эҳтимолий харажатлар;

$r$  — дисконтлаш ставкаси;

$n$  — ҳисоб-китоб даври.

Дисконтлаш ставкасининг мақбул миқдорини кўриб чиқилаётган даврда тижорат банкларининг тегишли соҳа бўйича ажратилган кредитлаш ставкасидан ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинадиган миллий валютадаги узоқ муддатли банк кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларидан (бунда имтиёзли кредитлаш ставкалари ҳисобга олинмайди) фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин.

## 6-§. Лойиҳанинг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш

25. Лойиҳанинг рақобат муҳитига таъсири қуйидаги оқибатларнинг бирига олиб келиши мумкин бўлганда, унинг таъсири рақобат учун салбий деб баҳоланади:

а) товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларининг (етказиб берувчилар) доираси ва сонини чеклашга олиб келса, жумладан:

товар ёки молия бозорининг алоҳида иштирокчиларига рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар, эксклюзив ҳуқуқлар, кафолатлар, энгилликлар, преференцияларни берса ёки муддатини узайтирса;

фаолият юритиш шарти сифатида рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи лицензиялаш ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартибини ўрнатса;

айрим етказиб берувчиларнинг ўз товар ва хизматларини реализация қилиш имконини чекласа;

етказиб берувчининг товар ва молия бозорига киришидаги ёки ундан чиқишидаги харажатларини сезиларли даражада оширса;

товар ёки молия бозори иштирокчиларига уларнинг бозорга киришига тўсқинлик қиладиган техник тартибга солишнинг янги шартларини ўрнатса;

хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ва хизматларини реализация қилиш ёки иш ўринларини яратиш, шунингдек инвестиция киритиш имконини чекловчи географик тўсиқ ўрнатса;

б) етказиб берувчиларнинг ўзаро рақобатлашиш имкониятини чегараласа, жумладан:

етказиб берувчиларнинг товарларга ва хизматларга нарх белгилаш имкониятини чегараласа;

етказиб берувчиларнинг ўз товар ва хизматларининг рекламаси ёки маркетингини амалга ошириш эркинлигини чегараласа;

айрим етказиб берувчиларга бошқалар олдида афзаллик берувчи ёки товар ва хизматлар харид қиладиган хўжалик юритувчи субъектлар ёки жисмоний шахслар (бундан буён матнда истеъмолчилар деб юритилади) танлаши мумкин бўлган даражадан ошувчи товар сифати стандартларини ўрнатса;

ишлаб чиқариш харажатларини оширса, шунингдек ресурсларни (моддий, молиявий ва меҳнат) айрим етказиб берувчиларга, шу жумладан товар ёки молия бозорининг янги иштирокчисига ажратиш йўли билан, бошқаларнинг харажатларига нисбатан кўпроқ сарфланишига олиб келса;

товар ёки молия бозорларида тадбиркорлик субъектлари иштирокида давлат корхонаси ёки давлат улуши бор корхоналар тузишни назарда тутса ва унинг натижасида рақобатни чеклайдиган ҳолат юзага келса;

в) етказиб берувчиларнинг бозор муносабатларида ўзаро рақобатлашишга қизиқишини пасайтирса, жумладан:

рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи ўзини ўзи бошқарадиган ёки биргаликда бошқариладиган тартиб яратса;

рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларни, шу жумладан етказиб берувчиларнинг ишлаб чиқариш, нархлар, айланмалар ёки харажатлар бўйича ахборотларини ёритишни талаб этса ёки рақобатлантирса;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилишидан ҳар қан-

дай алоҳида тармоқ ёки етказиб берувчилар гуруҳи фаолиятига иммунитет тақдим қилса;

г) истеъмолчилар учун керакли ахборотни танлаш имконини чегараласа, жумладан:

истеъмолчиларнинг ўз хоҳишлари асосида улар кимдан товар (иш, хизмат) сотиб олиш масаласини ҳал қилиш имкониятларини чегараласа;

истеъмолчиларнинг бир товар ёки маҳсулот етказиб берувчилардан бошқасига ўтишида нархни ошириб, уларнинг имкониятларини камайтирса;

истеъмолчи учун товар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олишда зарур бўлган ахборотнинг асл моҳиятини ўзгартириб, натижада уларнинг адашишига олиб келса.

26. Ушбу Услубиётнинг 25-бандида келтирилган эҳтимолий оқибатлар қўйидаги маълумотлар асосида таҳлил қилинади:

товар ва молия бозори иштирокчиларининг товар ва молия бозорига кириш харажатлари (бевосита ёки билвосита) ҳисоб-китоби;

лойиҳани қабул қилинишидан барча манфаатдор бўлган томонлар учун фойданинг (бевосита ёки билвосита) ҳисоб-китоби;

рақобатчи хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатлари ва фойдалари ҳисоб-китоби;

лойиҳанинг қабул қилиниши юзасидан манфаатларига таъсир кўрсатадиган тегишли товар ва молия бозори иштирокчиларининг сони;

муқобил нархлар ва тарифлар, шу жумладан бозорга кириб келувчи импорт маҳсулотларнинг нархи;

лойиҳа билан тартибга солинадиган товар (иш, хизмат)га эҳтиёжнинг даражаси;

лойиҳани тайёрлашга асос бўлган ҳужжатлар ва таҳлилий маълумотлар.

### **7-§. Лойиҳани қабул қилишдан кутилаётган натижани аниқлаш**

27. Лойиҳани қабул қилишдан кутилаётган натижа батафсил ёритилиши лозим. Бунда ишлаб чиқувчи тартибга солиш мақсадларига эришиш даражасини тавсифловчи сифат ва миқдорий ўлчов индикаторларини (кўрсаткичларини) белгилайди.

Индикаторлар ҳар бир мақсад бўйича акс эттирилади. Бунда индикаторларни ҳисоблаш усули ва маълумот манбалари кўрсатилиши лозим.

### **8-§. Тартибга солиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш**

28. Лойиҳа қабул қилиниши билан унда белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ташкилий, техник, услубий ва бошқа чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Бунда қўйидаги масалалар акс эттирилиши мумкин:



янги давлат органи ва ташкилоти ёки унинг таркибий бўлинмасини ташкил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва бошқа зарур бўлган ҳужжатларни (йўриқ-номалар, кўрсатмалар ва ҳ.к.) ишлаб чиқиш;

ахборот тизимларини, маълумотлар базаларини ва бошқа дастурий таъминотларни яратиш;

давлат органлари ходимларини ёки соҳанинг бошқа иштирокчиларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш;

тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириш;

бошқа чора-тадбирлар.

29. Давлат органи юклатилаётган вазифаларини тўлақонли бажара олиши учун барча зарур ваколатлар ва ресурсларга, шу жумладан уларни бажариш учун етарли муддатга эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

Амалга оширилиши белгиланган ҳар бир чора-тадбирлар бўйича масъул ижрочилар, амалга ошириш муддатлари, уларни молиялаштириш ҳажми ва манбалари, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа батафсил ёритилиши керак.

### **9-§. Лойиҳани жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш**

30. Лойиҳа ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот ишлаб чиқувчи томонидан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz))га жойлаштириш орқали мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

Ишлаб чиқувчи лойиҳа ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишда мазкур Услубиётнинг 1-иловасида\* келтирилган намунавий саволномадан фойдаланилиши мумкин.

Лойиҳани жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. Ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамаси давомида муайян соҳада тартибга солувчи воситалар жорий этилиши мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини баҳолаш мақсадида лойиҳани, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни ва бошқа зарур маълумотларни манфаатдор шахслар гуруҳлари, шу жумладан, илмий доиралар вакиллари ҳамда хорижий экспертлар билан муҳокама қилиши мумкин.

32. Ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари ҳамда манфаатдор томонлар тақдим этган таклифларни умумлаштиради ҳамда уларни таҳлил қилади.

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

### 3-боб. «Ех-post» усули бўйича тартибга солиш таъсирини баҳолаш

33. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «ех-post» усули орқали баҳолаш ушбу Услугаётнинг 6-бандида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.

34. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «ех-post» усули орқали баҳолашда тартибга солишнинг натижадорлиги, самарадорлиги ҳамда долзарблиги таҳлил қилинади.

35. Тартибга солишнинг натижадорлиги режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилганлик даражаси ва режалаштирилган натижаларга эришилганлигидан келиб чиқиб аниқланади. Тартибга солишнинг натижадорлик таҳлили, тартибга солиш билан кўзланган (белгиланган) мақсадларга эришиш ёки ушбу мақсадга эришишда ижро механизми қанчалик муваффақиятли бўлганлигини кўрсатиши керак.

36. Тартибга солишнинг натижадорлик таҳлили ўтказилганида тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган қутилмаган оқибатлар ҳам аниқланиши керак.

Агар кўзланган мақсадларга эришилмаган ёки режалаштирилган чоратадбирлар унга мувофиқ амалга оширилмаган бўлса, натижа кўзланган мақсаддан қай даражада орқада қолаётгани аниқланиши, шунингдек унга таъсир кўрсатган омиллар баҳоланиши керак.

37. Тартибга солишнинг натижадорлигини аниқлашда белгиланган мақсадларга ўз вақтида эришиш мумкинлиги ёки қўшимча муддатлар зарурлиги ҳисобга олиниши керак.

38. Тартибга солишнинг самарадорлиги эришилган натижа ва сарфланган ресурслардан қанчалик самарали фойдаланиш ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.

39. Тартибга солиш ёндашувларидаги фарқлар натижага сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, тартибга солишнинг бошқа муқобил вариантлари камроқ харажат эвазига бир хил фойда келтириш (ёки бир хил шароитда кўпроқ фойда келтириш) имкониятлари ўрганилиши керак.

40. Тартибга солишнинг самарадорлигини таҳлил қилишда турли манфаатдор томонларга келадиган тартибга солиш харажатлари, шунингдек унинг афзалликлари ҳам ўрганилиши керак.

41. Қоида тариқасида, тартибга солиш воситасини жорий этишда фойда харажатни қоплаши ёки ундан юқори бўлиши қутилади. Бироқ, ҳар доим ҳам тартибга солиш воситасининг жорий этилиши барчага бирдек фойда келтирмаслиги мумкин. Бу кўпинча фуқароларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатига тегишли бўлади. Бунда фойда ва харажатларга таъсир кўрсатадиган омиллар ва уларнинг тартибга солиш билан боғлиқлиги аниқланиши керак.

42. Тартибга солишнинг долзарблиги орқали тартибга солиш усулла-

рининг амал қилиши мақсадга мувофиқлиги ёки уларни бекор қилиш зарурлиги ўрганилади.

Тартибга солишнинг долзарблигини таҳлил қилишда тартибга солиш мақсадлари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга ва соҳадаги устуворликларга мос келиши кўриб чиқилиши керак.

43. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 25 ва 26-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

44. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида уни такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишда мазкур Услубиётнинг 2-иловасида\* келтирилган намунавий саволномадан фойдаланилиши мумкин.

#### **4-боб. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда ахборотдан фойдаланиш**

45. Қуйидагилар тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун ахборот манбалари ҳисобланади:

расмий статистик маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари;

оқибатларни прогнозлаштириш масалалари бўйича илмий-таҳлилий материаллар ва нашрлар, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ҳамда йиғилишлар материаллари;

ваколатли ташкилотлар ва ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровларнинг натижалари;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларда эълон қилинган нашрлар;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида давлат органи ва ташкилоти томонидан ўтказилган ўрганишлар, шу жумладан бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

46. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда зарур бўлган ахборот ва маълумотларни тўплаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин (қуйида келтирилган усуллар алоҳида ёки ўзаро бир-бирларини тўлдирган ҳолда биргаликда қўлланилиши мумкин):

жамоатчилик муҳокамаси — лойиҳани тайёрлашда жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари ҳамда манфаатдор томонлар билан муҳокамалар ўтказиш;

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«намунавий завод услуби» — лойиҳани таъсир кўрсатиши кутилаётган муайян тармоқ доирасида корхоналарнинг техник ва иқтисодий параметрларига кўра ажратиб олиб, бир ёки бир неча ана шундай корхоналарни ҳисоб-китоб қилиш;

сўровномалар — асосан, пул шаклида ифода этиш мураккаб бўлган таъсирлар қийматини аниқлашда қўлланилади;

эконометрик услублар — маълум тартибга солиш воситасини ўрганилаётган кўрсаткичга, бошқа омиллар таъсиридан ажратган ҳолда, соф таъсирини аниқлаш тақозо этилганда қўлланилади.

### **5-боб. Яқуний қоида**

47. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

*Келишилди:*

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазири*

**Д. КУЧКАРОВ**

*2021 йил 29 март*

*Монополияга қарши курашиш  
қўмитаси раисининг  
биринчи ўринбосари*

**Б. КАРИМОВ**

*2021 йил 23 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**152 Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни  
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3293*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) асосан **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 8-моддасига асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилиниши ва эълон этилиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 36-моддасига мувофиқ янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 1-6/21-90/8-сон тақдимномаси талаблари бажарилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 18-бандига асосан вазирлик ва идоралар томонидан Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги тақдимномаси бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги ушбу ҳужжатларни давлат реестридан чиқаришга ҳақли

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 мартда эълон қилинган.

эканлиги ва бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлиши;

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 111-бандига асосан қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилиши натижасида юзага келадиган «ҳуқуқий бўшлиқлар» оқибатлари учун ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари жавобгар бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан иловага мувофиқ чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 март,  
8-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2021 йил 29 мартдаги  
8-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат  
реестридан чиқарилаётган айрим идоравий норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат тест маркази ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг таълим дастурларини халқаро аккредитацияга тайёрлаш мақсадида уни аттестациядан ўтказишнинг махсус мезонлари (рўйхат рақами 606, 1999 йил 20 январь).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 29 ноябрда тасдиқланган Марказий депозитарийнинг савдо ва ҳисоб-китоб-клиринг тизимлари билан ўзаро фаолияти тартиби (рўйхат рақами 854, 1999 йил 16 декабрь).

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 сентябрдаги 2008-20-сон «Марказий депозитарийнинг савдо ва ҳисоб-китоб-клиринг тизимлари билан ўзаро

алоқадорлиги тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 854-1, 2008 йил 13 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 42-сон, 428-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 5 февралда 462-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситалар, номоддий активлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерлик ҳисоби бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 912, 2000 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 6-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 27 апрелда 48-сон ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2000 йил 24 апрелда 2000-51-сон билан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотларни сотиш пайтида товарга илова қилинган ҳужжатларда акциз маркаларининг рақамланишини акс эттириш тартиби тўғрисида тушунтириш хати (рўйхат рақами 924, 2000 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 9-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 15 июлда 476-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 953, 2000 йил 3 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 15-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 28 апрелдаги 13/2-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 953-1, 2012 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 234-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 27 сентябрдаги 33/1-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 953-2, 2014 йил 7 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 41-сон, 509-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 ноябрдаги 38/2-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 953-3, 2016 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 50-сон, 572-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/2-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғри-

сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 953-4, 2018 йил 23 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.01.2018 й., 10/18/953-4/0616-сон).

11. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори томонидан 2001 йил 31 майдаги 2001-4-сон «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва депозитарийлари, фонд биржалари (фонд бўлимларини ташкил қилувчи бошқа биржалар), биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг палаталарининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1041, 2001 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 12-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 февралдаги 2009-10-сон «Марказий депозитарий ва иккинчи босқичдаги депозитарийлар, фонд биржалари, биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси тизими ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1041-1, 2009 йил 7 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 118-модда).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2002 йил 25 майдаги 219-В, 65-сон «Қорхона ва ташкилотларнинг ишлатилган ва бузиб қўйилган вексел бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1152, 2002 йил 21 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 11-12-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2008 йил 30 октябрдаги 219-В-1, 104-сон «Қорхона ва ташкилотларнинг ишлатилган ва бузиб қўйилган вексел бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1152-1, 2008 йил 11 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 46-сон, 459-модда).

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 30 декабрдаги 10-сон «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1303, 2004 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 45-модда).

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 3 январдаги 1-сон «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар



киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1303-1, 2011 йил 17 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 26-модда).

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 17 октябрдаги 7-сон «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1303-2, 2013 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 43-сон, 575-модда).

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2015 йил 30 декабрдаги 3-сон «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1303-3, 2016 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 1-сон, 12-модда).

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2017 йил 14 июндаги 2/12-сон «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1303-4, 2017 йил 7 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 631-модда).

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 555-сон «Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1312, 2004 йил 17 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 90-модда).

21. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2004 йил 12 мартдаги 107, 29/9-120-сон «Энергетик корхоналар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1341, 2004 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 194-модда).

22. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ички ишлар вазирлигининг 2011 йил 25 октябрдаги 22, 11-сон «Энергетик корхоналар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1341-1, 2011 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 48-сон, 496-модда).

23. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 24 июндаги 6, 17-сон «Энергетик корхоналар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1341-2, 2013 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 348-модда).

24. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори-

нинг 2004 йил 28 июндаги 180-сон «Ўзбекистон Республикаси норезидентлар томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1388, 2004 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 340-модда).

25. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 1 июлдаги 204-сон «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1388-1, 2009 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 29-сон, 339-модда).

26. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 7 июндаги 26-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1388-2, 2013 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 346-модда).

27. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 13 майдаги 118-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1388-3, 2015 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 262-модда).

28. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 19 июлдаги 208-сон «Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1397, 2004 йил 6 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 31-сон, 362-модда).

29. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 24 майдаги 10-ю-сон «Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1397-1, 2011 йил 24 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 267-модда).

30. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 19 декабрдаги 67-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1397-2, 2013 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 712-модда).

31. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 19 июлдаги 209-сон «Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1399, 2004 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 378-модда).

32. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 24 майдаги 9-ю-сон «Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1399-1, 2011 йил 24 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 268-модда).

33. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 31 декабрдаги 28/12-сон «Тижорат банклари томонидан жамланма молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1445, 2005 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 28-модда).

34. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 11 ноябрдаги 279-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1531, 2005 йил 7 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 372-модда).

35. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 6 февралдаги 38-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1531-1, 2007 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 21-сон, 221-модда).

36. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 24 майдаги 7-ю-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1531-2, 2011 йил 24 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 270-модда).

37. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 2 декабрдаги 01-8/3348, 01-8/3348, 14/258, 15/2061, 01-02/20-21 ва 16/2-7728-сон «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1532, 2005 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 382-модда).

38. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 27 июлдаги 03-8/2433, 12826, 33/460, 33/1346, 01-02/20-13, 2006-34-сон «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1532-1, 2006 йил 10 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 330-модда).

39. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлиги хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 19 сентябрдаги 52-мх, 13, 31, 76, 01-02/6-25, 2013-41-сон «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1532-2, 2013 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 42-сон, 561-модда).

40. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлиги хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 6 майдаги 114-мх, 14, 38, 40, 01-02/20-15, 2015-12-сон «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1532-3, 2015 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 229-модда).

41. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 15 январдаги 01-2019-5-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3132,

2019 йил 24 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2019 й., 10/19/3132/2536-сон).

42. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2019 йил 12 февралдаги 4-2019-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчилар-нинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг 2-ило-васига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3140, 2019 йил 27 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2019 й., 10/19/3140/2682-сон).

43. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2019 йил 4 декабрдаги 46-2019-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчилар-нинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг 2-ило-васига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3202, 2019 йил 13 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2019 й., 10/19/3202/4154-сон).

44. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2020 йил 29 июндаги 26-2020-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчилар-нинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг 2-ило-васига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3279, 2020 йил 29 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари мил-лий базаси, 29.07.2020 й., 10/20/3279/1133-сон).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **153** Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-6*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 май-даги 320-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида дои-мий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгар-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 апрел-да эълон қилинган.

тириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 1-2-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 апрель,  
10-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2021 йил 1 апрелдаги  
10-мҳ-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга  
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:

учинчи хатбоши «паспорти» деган сўздан кейин «(идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи ва саккизинчи хатбошилар «яшаш гувоҳномаси» деган сўзлардан кейин «(идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3<sup>1</sup>-бандда:

иккинчи хатбоши «паспортга» деган сўздан кейин «(идентификация ID-картасига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «яшаш гувоҳномасига» деган сўзлардан кейин «(идентификация ID-картасига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ва доимий пропискасиз» деган сўзлар «(идентификация ID-картасисиз) ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 12-банднинг биринчи хатбошисидаги «доимий ёки вақтинча пропис-

ка қилинган (ҳисобга олинган)» деган сўзлар «доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 24-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 60 ва 79-бандларнинг бешинчи хатбошиларидаги «доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзили, паспорти» деган сўзлар «доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, паспорти (идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 27-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламентига мувофиқ амалга оширилади.»

6. 29-банднинг учинчи хатбошиси ва 152-банд «паспорти» деган сўздан кейин «(идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 218 ва 224-моддаларига асосан, умумий улушли мулк иштирокчиси ўзининг улушини бошқа мулкка айирбошлаганида ёки уни бошқача тарзда ҳақ эвазига ўзга шахсга берганида, мазкур Йўриқноманинг 30 — 34-бандлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти қоидалари қўлланилади.»

8. 2-бобнинг 2, 4, 5, 12 ва 14-параграфлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 74-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 87-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 90-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 92-банднинг биринчи хатбошисидаги «доимий прописка қилинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**154** Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 22 октябрдаги ПҚ–4871-сон «Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги 112-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3235, 2020 йил 29 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 10/20/3235/0698-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларининг изоҳи қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдаги ПҚ–4871-сон «Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар, нотурар-жойнинг ёнғини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнғини) юз берганлиги оқибатида жисмоний шахсларнинг айбисиз йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари, ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ҳамда реестрлардан кўчирмалар беришда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ ундирилмайди.»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 апрель,  
9-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 апрелда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**155** Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 831-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунига асосан **бюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 март,  
14-2021-Б-сон

*Келишилди:*

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

*2021 йил 1 март*

**Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

*2021 йил 18 март*

**Давлат статистика  
қўмитасининг раиси**

**Б. БЕГАЛОВ**

*2021 йил 24 март*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2021 йил 24 мартдаги  
14-2021-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири томонидан 1999 йил 30 августда 1569/03-1-сон билан тасдиқланган Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 831, 1999 йил 13 октябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 28 сентябрдаги 170-сон «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 831-1, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 388-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 4 июндаги 27-Б-сон «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 831-2, 2012 йил 3 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 305-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**156** **Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилиниб, огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияга алмаштирилганда ходимларга моддий мадад бериш тартиби ҳақидаги тушунтиришга ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 720-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 15 апрелда 684/04-1-сон билан тасдиқланган Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилиниб, огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияга алмаштирилганда ходимларга моддий мадад бериш тартиби ҳақидаги тушунтиришнинг (рўйхат рақами 720, 1999 йил 10 май) еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мисол. Меҳнат шартномаси 1 мартдан бекор қилиниши ҳақидаги билдирув хати билан ходим 1 январда ёзма тарзда огоҳлантирилди. Лекин, ходим билан иш берувчининг келишуви асосида ушбу огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияга алмаштирилди ва ходим билан меҳнат шартномаси 1 январдан бекор қилинди. Ходимга огоҳлантириш муддатига мутаносиб равишда (январь, февраль ойлари учун) пуллик компенсация ва бир ойлик (январь учун) ишдан бўшатиш нафақаси тўланди. Агарда ходим, ишга жойлашмаганлигини меҳнат дафтарчаси ёхуд электрон меҳнат дафтарчасининг кўчирма нусхаси билан тасдиқласа (электрон меҳнат дафтарчасининг кўчирма нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш [tu.mehnat.uz](http://tu.mehnat.uz) электрон манзили бўйича электрон меҳнат дафтарчасининг ноёб рақамини киритиш ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилиш орқали амалга оширилади), Меҳнат кодексининг 67-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган иккинчи ой (февраль) учун ўртача ойлик иш ҳақини март ойида олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу ходим, меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ўттиз календарь кун ичида, яъни 2 январдан 31 январгача бўлган муддатда маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса ва апрель ойида бу тўғрисида меҳнат органининг маълумотномасини тақдим

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 апрелда эълон қилинган.

қилса, унга учинчи ой (март) учун ҳам илгариги иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 март,  
11-2021-Б-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**157** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3294*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 март,  
28/21-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
10 мартдаги 28/21-сон қарорига  
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банклар томонидан банк карталарининг чиқарилиши, уларнинг муомалада бўлиши ва ўтказилган операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**авторизация** — тўлов оператори томонидан кўзда тутилган қоидаларга асосан телефон, электрон ёки алоқанинг бошқа усуллари ёрдамида банк картаси билан операцияларни амалга ошириш учун банк картаси эмитентининг рухсатини олиш жараёни;

**антифрод-тизим** — банк карталари ёрдамида тўловларни амалга оширишда фирибгарлик операцияларининг олдини олишга қаратилган жараёнлар йиғиндиси;

**банк картаси** — уни сақловчисига тўлов инфратузилмалари орқали тўловларни амалга ошириш ёки нақд пул маблағларини олиш ёхуд валюта айирбошлашни амалга ошириш ва банк картасининг эмитенти томонидан белгиланган бошқа операцияларни бажариш имконини берувчи тўлов воситасидир;

**банк карталари эмиссияси** — банк карталарини муомалага чиқариш ва фойдаланишга тақдим этиш бўйича фаолият;

**банк картасининг сақловчиси** — эмитент ёки банк карталарини тарқатувчи банк билан мижоз ўртасидаги шартномага асосан банк картасидан фойдаланувчи мижоз ёки мижоз томонидан ваколат берилган шахс;

**банкомат** — банк картасининг сақловчисига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тартибида нақд пул олиш ва банк картаси билан бошқа амалиётларини амалга ошириш имконини берувчи ҳамда бажарилган операциялар бўйича слип ҳужжат шакллантирувчи қурилма;

**виртуал карта** — электрон шаклдаги банк картаси бўлиб асосий картага ёки ҳисобвараққа боғланади ва тўловларни амалга оширишда зарур бўлган банк картасининг мажбурий реквизитларига эга бўлган тўлов воситаси;

**карта ҳисобварағи** — банк картаси орқали пул маблағларини тасаруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;

**ШИР код** — банк картаси сақловчисининг шахсий идентификация рақами бўлиб, у карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга банк картасининг сақловчиси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқлайди;

**савдо ва хизмат кўрсатиш субъекти** — эквайер билан тузилган шартномага асосан банк карталари орқали товар (иш, хизмат)ларни сотувчи юридик шахс ва (ёки) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс;

**слип** — банк картаси орқали амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи, операциянинг миқдори, тури, амалга оширилган санаси тўғрисидаги маълумотларни ва ушбу ҳужжатни шакллантиришда фойдаланилган банк картаси, терминал ёки банкоматни тўғри аниқлай билиш имкониятини берувчи ахборотни ўзида мужассамлаштирган қоғоз ёки электрон шаклдаги ҳужжат (чек);

**тўлов тизими** — тўловларни тўлов тизимининг оператори, тўлов тизими иштирокчилари ва (ёки) тўлов ташкилотларининг тўлов тизими оператори томонидан белгиланган тўлов тизимининг тартиб-таомилларини, инфратузилмасини ва қоидаларини қўллаш воситасида ҳамкорлик қилиш йўли билан амалга оширишни таъминлайдиган муносабатлар мажмуидир;

**тўлов тизимининг оператори** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов тизимининг ишлашини таъминлаш бўйича фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс;

**терминал** — банк картасининг сақловчисига тўлов операцияларини амалга ошириш имкониятини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича (қоғоз ёки электрон шаклдаги) слипларни шакллантирувчи мослама ёки дастурий таъминот;

**эмитент** — банк картасининг эмиссиясини амалга оширувчи, банк картасининг сақловчилари ва эквайерлар томонидан банк карталаридан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқлари бўйича ўз номидан мажбуриятни зиммасига олган банк;

**эквайринг** — банк карталари орқали товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчилари билан операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, шунингдек, банк картаси сақловчисига бевосита касса ёки банкомат орқали нақд пул бериш;

**эквайер** — эквайрингни амалга оширувчи резидент банк.

2. Банк картаси сақловчисининг рухсатсиз бошқа шахс банк картасидан фойдаланиши мумкин эмас.

Банк картаси қалбакилаштиришдан ва ундан ноқонуний фойдаланишнинг бошқа турларидан ҳимоя қилиниши зарур.

Банк картасининг амал қилиш муддати тўлов тизими қоидаларига мувофиқ тўлов тизими оператори томонидан белгиланади.

**2-боб. Банк карталаридан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва тўлов тизими иштирокчиларининг мажбуриятлари**

3. Банклар томонидан банк картасини эмиссия қилиш, хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мазкур Низом ва қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек тўлов тизими қоидалари ҳамда тўлов тизими иштирокчилари ўртасида тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади.

4. Тўлов тизими иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари мазкур Низом, бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда уларга асосан тузилган шартномалар ва тўлов тизими қоидаларига мувофиқ тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси резидент банклари маҳаллий, халқаро ва хорижий тўлов тизимлари иштирокчилари бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг резидент банклар — тўлов тизими иштирокчилари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, банк карталари эмиссияси, уларга хизмат кўрсатиш ва операцияларни амалга оширишда тегишли тўлов тизими томонидан белгиланган стандартлардан фойдаланади.

5. Тўлов тизими иштирокчилари қуйидагиларга амал қилишлари шарт:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк картасини эмиссия қилиш, хизмат кўрсатиш, улар орқали ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишнинг ўрнатилган тартиб ва қоидаларига риоя қилиш;

банк карталаридан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида хавфсизлик чора-тадбирларини таъминлаш;

улар ихтиёрида мавжуд бўлган ва муомаладаги банк карталари, тўлов тизими иштирокчилари, фойдаланиладиган технология ва дастурий-техник воситалар, тўлов тизими оператори томонидан ўрнатилган иш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги тижорат ва банк сири ҳисобланган маълумотларни ҳамда банк картаси сақловчилари ҳамда улар томонидан банк карталари орқали амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмасликни таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**3-боб. Банк карталарининг турлари**

6. Банк карталари карта ҳисобварағи эгаси, амал қилиш тартиби ва маълум бир тўлов тизимига тегишлилигига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) карта ҳисобварағининг субъектларига кўра:

шахсий банк картаси — ўз сақловчисига жисмоний шахснинг (якка тартибдаги тадбиркордан ташқари) карта ҳисобварағида (карта ҳисобварақларида)ги пул маблағларини бошқариш имкониятини беради. Шахсий банк карталари банк картаси сақловчисининг руҳсати билан бошқа шахслар (оила аъзолари ва бошқалар) томонидан фойдаланилиши мумкин;

корпоратив банк картаси — ўз сақловчисига, яъни юридик шахснинг

ваколатига эга ходими ёки якка тартибдаги тадбиркорга карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш имкониятини беради;

б) банк карталари амал қилиш тартибига кўра:

дебет банк картаси — ўз сақловчисига у ва банк картаси эмитенти ўртасида тузилган шартнома шартларига биноан тегишли карта ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғи доирасида тўлов операцияларини амалга ошириш ва (ёки) нақд пул маблағларини олиш учун (корпоратив банк картаси бундан мустасно) тасарруф этиш имконини беради;

кредит банк картаси — ўз сақловчисига у ва банк картаси эмитенти ўртасида тузилган шартнома шартларига биноан тўлов операцияларини амалга ошириш ва (ёки) нақд пул маблағларини олиш учун (бундан корпоратив банк картаси мустасно) тегишли карта ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғидан ортиқ операцияларни амалга ошириш имконини беради.

Икки ва ундан ортиқ тўлов тизимларида ишлайдиган ва уларнинг логотипларини ўзида акс эттирган банк карталари кобейджинг карталари деб ҳисобланади.

Икки ва ундан ортиқ товар белгиси остида эмиссия қилинган банк карталари кобренд банк карталари деб ҳисобланади.

#### **4-боб. Банк карталарини эмиссия қилиш**

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарини эмиссия қилиш Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган банклар томонидан амалга оширилади.

8. Бирон бир тўлов тизимига тегишли бўлган банк карталарини эмиссия қилиш, сертификатланган дастурий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда, тегишли тўлов тизими оператори томонидан ўрнатилган қоидаларга асосан эмитент томонидан амалга оширилади.

9. Банк карталарининг (шу жумладан, виртуал карталарининг) мажбурий реkvизитлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

банк картаси сақловчисининг фамилияси ва исми (шахсий банк карталари учун);

карта ҳисобварағи эгаси бўлган юридик шахснинг фирма (расмий) номи ва (ёки) унинг тўлов тизимидаги шартли рақами (корпоратив банк карталари учун);

банк картаси эмитентининг расмий номи;

банк картасининг рақамлари ва амал қилиш муддати.

10. Тўлов тизими доирасида эмиссия қилинадиган банк карталарида, идентификация белгилари ва банк карталарининг белгилари бўлган қўшимча мажбурий реkvизитлар мазкур тизим қоидаларида белгиланиши мумкин.

#### **5-боб. Эмитентнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

11. Банк картасининг эмитенти қуйидаги ҳуқуқларга эга:



жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг аризалари асосида ўзаро тузиладиган шартнома ёки офертани қабул қилиш йўли билан Тижорат банкларида жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) мувофиқ мижозни ўрнатилган тартибда идентификациялаган ҳолда банк карталарини фойдаланишга тақдим этиш;

банк картаси орқали амалга оширилган дебет айланмалар учун воситачилик ҳақини ундириш;

шартномада белгиланган ҳолларда банк карталарига маблағ кирим қилинганлиги учун воситачилик ҳаққи ундириш.

12. Банк картасининг эмитенти қуйидагиларга амал қилиши шарт:

банк картасини олиш учун мурожаат қилган шахснинг аризасини кўриб чиқиш;

банк картасини сақловчисини банк картаси йўқолганлиги ва (ёки) банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисидаги хабарномани туну кун юбориш имконияти билан таъминлаш;

банк картаси эмитенти ва сақловчиси ўртасида тузилган шартномада ўрнатилган тартибга асосан банк картасини бериш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича эмитент тарифларининг ўзгарганлиги ҳамда банк картасини амал қилиш муддатидан аввал тўхтатиш тўғрисида банк картаси сақловчиларини хабардор қилиш;

карта ҳисобварағи ёпилганда, кейинги операция кунидан кечиктирилмаган ҳолда карта ҳисобварағида мавжуд пул маблағларини мижозга бериш;

банк карталари орқали ўтказилган операциялар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш.

13. Банк картаси эмитенти:

банк картасининг сақловчисидан банк картасининг йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида ариза қабул қилингандан сўнг эмитент йўқотилган ёки рухсатсиз фойдаланилган банк картаси орқали амалга оширилган барча операциялар;

қалбаки банк картаси орқали бажарилган барча операциялар бўйича жавобгар ҳисобланади.

14. Эмитент банк картаси сақловчиси олдида қуйидаги ҳолатларда жавобгар ҳисобланмайди:

агар банк картаси сақловчиси шартномада белгиланган қоида ва тартибларни бузган бўлса;

банк картаси сақловчиси томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир қилинган ҳолатда;

банк картасининг йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги факти ҳақида банк картасининг сақловчиси томонидан эмитент хабардор қилинмаганда.

банк картасига боғлиқ маълумотлар (ШИР код, бир марталик СМС код ва бошқалар) мижоз томонидан учинчи тарафга маълум қилинган ҳолатда.

**6-боб. Банк картаси сақловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

15. Банк картаси сақловчиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

тўлов тизими қодалари ва эмитент билан тузилган шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартибга асосан банк картаси орқали операцияларни амалга ошириш;

банк картасининг эмитентидан банк картасидан фойдаланиш қодалари ҳамда улар орқали операцияларни амалга ошириш бўйича банк картасининг сақловчиси ва эмитентнинг жавобгарлик чегараси тўғрисидаги тўлиқ ахборотни олиш;

эмитентдан банк картаси орқали амалга оширилган барча операциялар тўғрисида тўлиқ ахборот олиш;

ўз розилигига қўра, унинг карта ҳисобварағини тасарруф этиш имкониятини берувчи қўшимча банк карталарини чиқариш ва расмийлаштиришни эмитентдан сўраш;

карта ҳисобварағини келгусида ёпиш шарти билан банк карталаридан фойдаланишни рад этиш.

16. Банк картасини сақловчи ҳисобланган юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган ҳуқуқлар билан бирга қўйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

шартнома, хизмат сафари, хўжалик ва бошқа харажатлар учун пул маблағларини карта ҳисобварағига кириш қилиш ва ушбу харажатларни карта ҳисобварағидан нақд пулсиз тартибда тўлаш;

банк картасининг эмитенти билан тузилган шартномада кўрсатилган ва тегишли карта ҳисобварағидан ўтказиш учун рухсат этилган бошқа операцияларни амалга ошириш.

**7-боб. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий ва чет эл валютасидаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби**

18. Карта ҳисобварағини тўлдириш карта ҳисобварағини очган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўлов топшириқномаси асосида исталган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан амалга оширилади.

19. Юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритиш, шу жумладан давлат божи ва йиғимларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни фақат миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги банк карталаридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида носавдо тусдаги валюта операцияларини амалга ошириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

Юридик шахслар корпоратив банк картасига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендларни

ўтказишга, шунингдек, корпоратив банк карталари воситасида нақд пул берилиши ва (ёки) чет эл валютасини сотиб олишга йўл қўйилмайди.

Юридик шахслар томонидан аукцион савдоларида иштирок этиб, харидларни амалга ошириш учун корпоратив банк картасидан фойдаланиш тақиқланади.

Корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда тўлаш учун сарф қилинаётган пул маблағлари корпоратив банк картасининг сақловчисига ҳисобдорлик шарти билан бериладиган, қатъий тарзда белгиланган мақсадларда ишлатиладиган маблағлар бўлиб ҳисобланади.

Корпоратив банк картасининг сақловчиси корпоратив банк картасини ҳисобдорликка олган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмаган ҳолда корпоратив банк карталари воситасида ишлатилган маблағлар тўғрисида юридик шахснинг бухгалтериясига ҳисобот тақдим этади.

Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун корпоратив банк картасидан фойдаланганда, корпоратив банк картасининг сақловчиси хизмат сафаридан қайтганидан кейин корпоратив банк картаси воситасида сарфланган суммалар тўғрисида бухгалтерияга ҳисобот тақдим этади.

20. Якка тартибдаги тадбиркор миллий валютадаги банк карталаридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳар қандай харажатлар бўйича тўловларни амалга ошириши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг чет эл валютасидаги банк карталаридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида носавдо тусдаги валюта операцияларини амалга ошириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

21. Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор банк карталари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича ҳисобот ҳужжатлари сифатида тўлов терминали квитанцияларининг асл нусхалари, шунингдек, электрон тижорат битимларидаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар, инвойс (ҳисоб-фактура) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар хизмат қилади.

22. Карта ҳисобварағидаги сарфланмай қолган маблағларни талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тугатилганда унинг карта ҳисобварағидаги сарфланмай қолган маблағлари талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

23. Корпоратив банк картаси ва якка тартибдаги тадбиркорнинг банк карталари орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик карта ҳисобварағини очган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор зиммасида бўлади.

**8-боб. Банк карталари билан ҳисоб-китоблар**

24. Банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар қоғозда (слип, чеклар, смс-хабар) ёки электрон шаклда бошқа маълумотномалар билан тасдиқланади. Бунда мазкур маълумотномалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда иштирок этувчи томонларга етарли нусхаларда шакллантирилади. Маълумотномалар банк карталари орқали амалга оширилган операциялар тўғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига олиши керак.

25. Маълумотномаларда банк картаси ва унинг сақловчиларининг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари, шунингдек ташкилотлар, нақд пул бериш пунктлари ва банкоматлар тўғрисида маълумотлар бўлиши шарт.

26. Электрон маълумотномалар банк-эквайерга, банк-эмитентга ҳамда шартномада назарда тутилган ҳолларда тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотига юборилади.

27. Банк карталари бўйича банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тўлов тизимлари орқали умумий асосда амалга оширилади;

Банклар ўртасида улар томонидан чиқарилган миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича тўловларга ишлов бериш ҳамда уларнинг клиринги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисида низомга (рўйхат рақами 2570, 2014 йил 4 апрель) мувофиқ тартибда амалга оширилади.

28. Амалга оширилган операциялар бўйича умумий ҳисоб-китоблар тўлов тизимлари орқали қўйидагича амалга оширилади:

банк томонидан хизмат кўрсатилаётган миқоздан олинган электрон ҳужжатлар асосида эквайерда автоматик равишда электрон хабарнома шаклланади ҳамда ўтказмаларни авторизация қилиш ва амалга ошириш учун тўлов тизими орқали эмитентга юборилади;

эмитент электрон хабарнома асосида транзакцияни авторизация қилиб, маблағларни тўлов тизими орқали тегишли маблағларни олувчига ўтказиш учун эквайерга юборади ҳамда маблағларни банк карта ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш учун электрон мемориал ордерни дастурий равишда шакллантиради;

маблағлар эквайер томонидан эмитентдан олинган электрон мемориал ордер асосида маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказилади ва мемориал ордер рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

29. Тўлов тизими оператори орқали ҳисоб-китоблар қўйидагича амалга оширилади:

амалиёт кuni давомида банк карталари бўйича тўлов тизими оператори орқали амалга оширилган барча операциялар ҳисоб-китоб иштирокчилари учун очилган алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади;

якуний суммалар Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими

орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоблар марказида очилган банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига шартномада назарда тутилган муддатда ўтказилади ёки ҳисобдан чиқарилади;

банклар томонидан тўлов тизими операторидан олинган маълумотлар асосида мижознинг банк картаси ҳисобварағига маблағлар ўтказилади ёки ҳисобдан чиқарилади.

### **9-боб. Банк картасидан фойдаланилган ҳолдаги тўловлар**

30. Товарлар ва хизматларни чакана реализация қилишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахслар тўловларнинг банк карталаридан фойдаланган ҳолда қабул қилинишини таъминлаши шарт.

31. Тўлов хизматларидан фойдаланувчининг банк карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тўлов якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан қабул қилинган пайтдан эътиборан юзага келади.

32. Тўловлар банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганда якка тартибдаги тадбиркорда ёки юридик шахсда у билан банк карталарига хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган банкка нисбатан якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан қабул қилинган тўлов суммасида пул талаб қилиш ҳуқуқи, банкда эса якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг пулга доир талабини бажариш мажбурияти юзага келади.

33. Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчиси талабига биноан унинг банк картасидан фойдаланиш билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни ва ахборотни шартномада белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

34. Банк картасининг эмитенти банк картасининг сақловчисига юборилган ва ундан олинган хабарномаларнинг ушбу хабарномалар юборилган ва олинган кундан эътиборан уч йилдан кам бўлмаган муддат мобайнида сақланишини таъминлайди.

35. Банк картасининг эмитенти банк картаси сақловчисининг аризасининг ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чоралар кўриш зарур бўлган ҳолларда аризани кўриб чиқиш муддати кўпи билан ўттиз кунга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда банк картасининг сақловчисига хабар берилади. Банк картасидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланилган тақдирда банк картасининг сақловчисининг аризаси ариза келиб тушган кундан эътиборан қирқ беш кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади. Банк картасининг сақловчисига аризани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда ахборот юборилади.

36. Банк картасидан фойдаланиш банк картасининг сақловчисидан олинган хабарномага асосан банк картасининг эмитенти томонидан ёки банк картасини сақловчи банк картасидан шартномага мувофиқ фойдаланиш

тартибини бузган тақдирда банк картаси эмитентининг ташаббусига кўра тўхтатиб турилади ёки тугатилади.

37. Банк картаси сақловчисининг банк картасидан фойдаланишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш банк картаси сақловчисининг ва банк картаси эмитентининг ушбу картадан фойдаланишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш пайтига қадар юзага келган мажбуриятларини тугатмайди.

**10-боб. Банк картаси билан операцияларни амалга оширишни тўхтатиш ва банк картасини муомаладан чиқариш**

38. Банк картаси сақловчисидан банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида хабарнома олинганда, эмитент банк картаси орқали операцияларни ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйиши ҳамда банк картасини муомаладан чиқариш чораларини кўриши зарур.

39. Тўлов тизими оператори тўлов тизими қоидаларига мувофиқ айрим эмитентлар томонидан эмиссия қилинган банк карталари орқали операцияларни ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ҳақлидир.

40. Эмитент қўйидаги ҳолатларда банк картаси орқали операциялар ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳамда банк картасини муомаладан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

банк картаси ёки унинг реквизитларидан ноқонуний фойдаланишни тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлигида;

банк картасидан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан ишлатилганда;

банк карталаридан фойдаланиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган бошқа ҳолатларда;

конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Мазкур бандда кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда, банк картаси орқали операцияларни ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйиш ёки банк картасини муомаладан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш тўлов тизими қоидаларига асосан белгиланади.

41. Банк картаси орқали операцияларни ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳамда банк картасини муомаладан чиқариш ва бу ҳақда мижозга хабар бериш тартиби тўлов тизими қоидаларига ҳамда банк карталаридан фойдаланиш тўғрисидаги шартномага асосан амалга оширилади.

**11-боб. Банк карталарига хизмат кўрсатувчи қурилмалар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларининг мажбуриятлари**

42. Савдо ва хизмат кўрсатиш субъекти раҳбари ўз савдо ва хизмат кўрсатиш объектига ўрнатиш учун тўлов терминалларини ажратиш бўйича ёки ўзида мавжуд бўлган тўлов терминалларига дастурий таъминотни

ўрнатиш юзасидан хизмат кўрсатувчи банкка ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Банклар тўлов терминалини ажратиш бўйича мурожаатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн банк иш куни ичида тўлов терминалларини ажратади. Ушбу вақт ичида банклар тўлов терминалларини техник жихатдан мижозга бириктириш ишларини тугатиши шарт.

Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларининг ўзларида мавжуд бўлган тўлов терминалига дастурий таъминотни ўрнатиш юзасидан қилинган мурожаатлар уч банк иш куни ичида кўриб чиқилади ва уларга тегишли дастурий таъминотлар ўрнатилади.

Товарлар ва хизматларни чакана реализация қилишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини, онлайн инкассация амалиётини ҳар куни қилишини ва тўлов тизими шартли белгиси бўлишини таъминлашлари шарт.

Тўлов терминали техник ёки дастурий носоз ҳолатга келиб қолганда, савдо ва хизмат кўрсатиш субъекти раҳбари бу ҳақда бир кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига ва хизмат кўрсатувчи банкка ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Банклар уч иш кунда тўлов терминалларини соз ҳолатга келтириш чораларини кўришлари ва тўлов терминаллари соз ҳолатга келгунга қадар вақтинчалик бошқа териминал билан таъминлаб туришлари шарт ҳамда тўлов амалиётларини тўлов тизими операторлари томонидан юборилган файллар клиринг қилиниши бир иш кундан кечиктирмаган ҳолда мижозларнинг ҳисобварағига ўтказилиши лозим.

Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари ўзларидаги мавжуд тўлов терминалларини бошқа субъектларга фойдаланиш учун беришлари мумкин эмас.

43. Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари қўйидагиларга амал қилиши шарт:

ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун товар (иш, хизмат ва бошқалар) нархлари асосиз равишда ошмайдиган нарх бўйича банк картасининг сақловчисига хизмат кўрсатиш;

шартнома муносабатлари билан боғлиқ бўлган тўлов тизими номи ва (ёки) логотипини кўрсатган ҳолда, банк картасига хизмат кўрсатиш тўғрисида мижозларни хабардор қилиш;

товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси ва эквайер ўртасида тузилган шартномага асосан тўлов тизимига тегишли бўлган барча банк карталарига хизмат кўрсатиш;

бажарилаётган операциялар суммаси эквайер билан тузилган шартномада ўрнатилган суммадан ортиқ бўлган барча ҳолатларда банк картаси бўйича авторизация ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва эквайер билан тузилган шартномага мувофиқ банк картаси орқали амалга оширилган операциялар бўйича ахборот тақдим этиш;

банк картасининг сақловчиси тўғрисида маълумотни учинчи шахслар-

дан сир сақлаш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

44. Тўлов тизими субъектлари томонидан ўрнатилган банкоматлар ва ўз-ўзига хизмат қилувчи қурилмаларда эквайер номи, мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази телефон рақами ҳамда қурилма уланган тўлов тизими логотипи бўлиши лозим.

Банкомат техник носозлик сабабли банк картасини қайтариб бермаганда, банк картаси сақловчиси томонидан эквайерга оғзаки ёки ёзма мурожаат қилинади. Мурожаат банк операция куни давомида келиб тушса шу куннинг ўзида, операция куни тугаганда келиб тушган тақдирда кейинги банк операция кунидан кечикмаган ҳолда мижозга банк картаси қайтариб берилиши зарур.

Банк картаси ШИР-код нотўғри киритилиши натижасида банкомат томонидан қайтариб берилмаганда, банк картаси эквайер томонидан банк картаси сақловчиси идентификация қилинган ҳолда банк картаси сақловчисининг мурожаати келиб тушган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан қайтариб берилади.

Банклар томонидан ўрнатилган банкоматларнинг иш фаолияти ва нақд пул билан таъминланганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши ҳамда банкоматларнинг жойлашуви ва ишчи ҳолати тўғрисидаги маълумотлар банкнинг веб-сайти ва/ёки мобил иловаларида кўрсатилган бўлиши лозим.

#### **12-боб. Банк картаси сақловчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

45. Банк картаси эмитенти банк картаси ҳисобварағи эгасига банк картасидан фойдаланмаган ҳолда банк картаси ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга ошириш имкониятини таъминлаши зарур.

46. Банк картасининг сақловчиси, унинг банк карталари орқали амалга оширилган операциялари ҳамда банк карталарининг ўзи ҳақидаги маълумот — банк сири маълумотлари бўлиб ҳисобланади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилиши мумкин.

#### **13-боб. Эквайернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари олдидаги жавобгарлик чегараси**

47. Эквайер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) мувофиқ банк картасининг сақловчисидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этишини талаб қилиш;

нақд пул бериш операциясини амалга оширишда банк картаси ҳисобварағидан банкнинг хизмат ҳақини ундириш;



савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари билан ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш учун шартномада кўзда тутилган воситачилик ҳақини бевосита ҳисобварақларга келиб тушадиган сумма ҳисобидан ушлаб қолиш.

48. Эквайер қўйидагиларга амал қилиши шарт:

нақд пул бериш операциясини амалга оширишда эквайер тарифлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборотни банк карта сақловчиларига етказиш;

савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари банк карталари орқали амалга оширган операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида бажарилишини ва унинг тўғрилигини таъминлаш;

ўзи иштирокчи бўлган тўлов тизимининг барча банк карталарига хизмат кўрсатиш;

савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларини тузилган шартномада белгиланган шартлар асосида банк карталари эгаларига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган қурилмалар ва маълумотлар билан таъминлаш;

банк карталари орқали ўтказилган операциялар бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни вақтида ва тўғри амалга оширилишини таъминлаш.

49. Эквайер товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси олдида банк картаси орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича қўйидаги ҳолларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси банк карталари орқали операцияларни амалга оширишда тузилган шартномаларда ўрнатилган қоида ва тартибни бузганда;

товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси томонидан ўтказилган тўлов операцияси тўғрисида ҳужжат ёки ахборотлар мавжуд бўлмаганда;

товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси томонидан ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилганда.

#### **14-боб. Тўлов тизими операторининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

50. Тўлов тизими оператори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

тўлов тизими иштирокчилари учун банк карталари орқали операцияларни амалга ошириш ва унга рухсат бериш;

эмитент билан тузилган шартноманинг ҳамда тўлов тизимининг бошқа иштирокчилари ўртасида тузилган шартнома шартларини эмитент томонидан бажармаслик ҳолларида, эмитентнинг банк карталари бўйича операцияларини тўхтатиш.

51. Тўлов тизими оператори қўйидагиларга амал қилиши шарт:

тўлов тизими иштирокчилари томонидан чиқарилган банк карталари орқали операцияларини амалга ошириш имконияти билан таъминлаш;

антифрод-тизимга эга бўлиши;

банк картасига хизмат кўрсатишни тақиқлаш тўғрисидаги эмитентнинг ёзма қарори олингандан сўнг, банк карталари бўйича операцияларни тўхтатиш (алоҳида турдаги операцияларни тўхтатиш);

эмитентнинг банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси чақириб олингандан сўнг, унинг банк карталари бўйича операцияларни тўхтатиш;

тўлов тизимини узлуксиз, барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлаш;

тўлов тизими иштирокчиларининг операциялари тўғрисидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сир сақланишини таъминлаш, бундан Ўзбекистон Республикасининг «Банк сир тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

52. Эмитент томонидан банк карталарига хизмат кўрсатишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, улар орқали амалга оширилган операциялар бўйича ҳамда эмитент томонидан банк карталари орқали амалга оширилиши тақиқланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган айрим операцияларни бажариш бўйича тўлиқ жавобгарликни тўлов тизими оператори ўз зиммасига олади.

53. Тўлов тизими иштирокчилари бўлган банклар фаолияти устидан назорат ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва тўлов тизими қоидаларига асосан белгиланган тартибда амалга оширилади.

54. Тўлов тизими оператори банк карталари эмиссиясини амалга ошириш тўғрисида шартнома тузган эмитентларнинг рўйхатини юритади.

55. Эмитентларнинг рўйхати доимий равишда тўлов тизими операторининг веб-сайтида эълон қилиниб борилади.

### **15-боб. Банк карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотларни ҳимоя қилиш**

56. Эмитентлар, эквайерлар, тўлов тизими операторлари, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари банк карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотларни ва дастурий-техник воситаларни ҳимоя қилиш бўйича қоидаларга риоя қилишлари шарт.

57. Ахборотларни, банк карталарини ва бунда фойдаланиладиган дастурий-техник воситаларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳамда тўлов тизимининг қоида ва тартибларига асосан ўрнатилади.

### **16-боб. Яқуний қоидалар**

58. Банк карталарини эмиссия қилиш, улар орқали амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

59. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарини эмиссия қилиш тартибини ҳамда банк карталари орқали хизмат кўрсатиш ва операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**158** «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 март,  
28/20-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
10 мартдаги 28/20-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 4/20-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1344, 2004 йил 30 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 17-сон, 203- модда).

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 17 ноябрдаги 28/5-сон «Тижорат банклари томонидан банк карточкалари чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1344-1, 2006 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 48-50-сон, 497-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 25 июндаги 19/2-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1344-2, 2011 йил 13 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 28-сон, 298-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 31 январдаги 2/3-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1344-3, 2015 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 102-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/6-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1344-4, 2017 йил 4 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.12.2017 й., 10/17/1344-4/0361-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 16 июндаги 21/4-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1344-5, 2018 йил 23 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 10/18/1344-5/1560-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/11-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1344-6, 2019 йил 16 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.04.2019 й., 10/19/1344-6/2944-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**159** «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1470-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан келишилган.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 март,  
28/18-сон

*Келишилди:*

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

*2021 йил 25 февраль*

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Ш. КУДБИЕВ**

*2021 йил 10 март*

**Ўзбекистон банклари  
Ассоциацияси Бош директори**

**Б. ХАМИДОВ**

*2021 йил 25 февраль*

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
10 мартдаги 28/18-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 12 мартдаги 3-А/1-сон «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1470, 2005 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 15-16-сон, 121-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 31 январдаги 2/6-сон «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1470-1, 2015 йил 11 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 6-сон, 75-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 23 мартдаги 10/3-сон «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1470-2, 2018 йил 3 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2018 й., 10/18/1470-2/0993-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/22-сон «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1470-3, 2019 йил 10 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.01.2019 й., 10/19/1470-3/2457-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**160** «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1850-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.
3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 март,  
28/19-сон

*Келишилди:*

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Ш. КУДБИЕВ**

*2021 йил 10 март*

*Ўзбекистон банклари Ассоциацияси  
Бош директори*

**Б. ХАМИДОВ**

*2021 йил 25 февраль*

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
10 мартдаги 28/19-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 19 июлдаги 16/2-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1850, 2008 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 359-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 31 январдаги 2/5-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1850-1, 2015 йил 9 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 6-сон, 69-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 18 март 6/5-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1850-2, 2017 йил 19 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 279-модда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**161** «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1986-А*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.
3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 март,  
28/17-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 март,  
2021-08-сон

*Келишилди:*

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**А. ИКРАМОВ**

*2021 йил 26 февраль*

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
10 мартдаги 28/17-сон ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2021 йил 1 мартдаги  
2021-08-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 июндаги 18/1 ва 2009-20-сон «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб- китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1986, 2009 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 351-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 11 майдаги 18/1 ва 2010-23-сон «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1986-1, 2010 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 190-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 2 мартдаги 5/2 ва 2013-18-сон «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1986-2, 2013 йил 1 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 14-сон, 187-модда).

